

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ

Тарих йўналиши

08.438-гуруҳ битирувчиси

Қорабоев Дилшоджон Холиқжон ўғлининг

“Аштархонийлар даврида Ўрта Осиё”

мавзусидаги

БИТИРУВ

МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: З.Рахманов

Фарғона-2012

Битирув малакавий иш тарих кафедрасининг 2012 уй 7 июндаги 9-йиғилишида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Кафедра мудири _____ Ҳ.Раҳматиллаев

Такризчилар:

1. З.Раҳманов – Фарғона давлат университети кафедраси ўқитувчиси
2. М.Жабборов – “Қувасойцемент” ОАЖ касаба уюшмаси раиси, т.ф.н.

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ		4
I боб.	XVII асрнинг биринчи ярмида Аштархонийлар давлатининг умумий аҳволи	10
1.1.	Аштархонийлар сулоласининг тахтга чиқиши	10
1.2.	Имомқулихон ва Надр Муҳаммад даврида Аштархонийлар давлати	25
II боб.	Субҳонқулихон даврида Аштархонийлар давлати	38
2.1.	Субҳонқулихон Балх ҳокими сифатида	38
2.2.	Субҳонқулихон даврида Аштархонийлар давлатининг умумий аҳволи	47
III боб.	Аштархонийлар даврида Бухоро ва Ҳиндистон муносабатлари ...	52
Хулоса		59
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати		62

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришганидан сўнг тарихимизни ўрганишга катта эътибор қаратилди. Бу эса миллий мустақиллигимизни мустаҳкамлашда, ўзлигимизни англашимиз ва миллий ғурурни юксалтиришимизда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда

Миллий мафкурани шакллантиришда ва у ёрдамида халқнинг миллий ғурурини оширишда, уни ватан мустақиллиги ғояси атрофида бирлаштиришда тарих фанининг аҳамияти қаттадир. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов бу ҳақида: “Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ»¹, - деб таъкидлаган эди.

Ўзбек давлатчилиги тарихида Аштархонийлар давлати муҳим ўрин эгаллаган давлатлардан биридир. Аштархонийлар даврида ватанамиз тарихининг энг оғир давлари бошланаётган давр эди. Айнан шу давлат инқироzi натижасида Ўрта Осиё учта хонликка бўлиниб кетган эди. Лекин бу сулола тарихда марказлашган давлат тузиш учун кураш олиб борганлиги бизга маълум, бир томондан эса аштархонийлар давлатида бирмунча тинчлик, барқарорлик ўрнатилиб, халқнинг аҳволини яхшилаш, мамлакат иқтисодиётини тиклаш учун шароит яратиб берилган.

БМИнинг хронологик чегаралари сифатида Мовароуннаҳрда Аштархонийларнинг 1601 йилда тахтга чиқишидан то бу давлатнинг тугатилишига қадар бўлган давр олинган бўлсада, мавзуни чуқурроқ ўрганиш мақсадида Шайбонийлар давлатининг емирилиши, аштархонийларнинг тахтга чиқиши ҳамда аштархоний ҳукмдорлар тарихи ҳам қисқача ўрганилди.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Б.М.И. учун танланган мавзу тарихшунослигимизда кам ўрганилган мавзулардан биридир.

Тарихшунослигимизда Аштархонийлар ҳақида алоҳида фундаментал тадқиқот шу кунга қадар мавжуд эмас. Унинг тарихи кўпроқ Ўзбекистон

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият -енгилмас куч – Т.:Маънавият. 2008. б. 4.

тарихига оид дарсликларда баён этилган. А.Ю. Якубовский, Р. Шамсутдинов, А. Зиё ва Б. Аҳмедовлар муаллифликларидаги қатор китобларда бу давлат ва бу сулола вакиллари ҳақида бир қатор маълумотлар келтирилган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Аштархонийларнинг тарихи ва давлатчилик фаолиятига бағишланган асарлар жуда ҳам кўп эмас. Аштархонийлар давлатининг ижтмоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиёти тарихи мавзуси биз танлаган шаклда кам ўрганилган. Шунинг учун ҳам мавзуни яна бир бор ҳолисона, тадқиқ этишни лозим деб топдик.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Б.М.И.нинг асосий мақсади миллий мафкура ва миллий ғоя асосида тарихимизнинг кам ўрганилган саҳифаларидан бири бўлмиш Аштархонийлар давлати тарихини, Ўрта Осиёнинг шу даврдаги сиёсий, иқтисодий ҳамда маданий ҳаётини тарихий манбалар асосида чуқур илмий таҳлил этишдир.

БМИнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар белгиланди:

- Мавзуни чуқур ва илмий жиҳатдан ўрганишга асос бўладиган тарихий манбаларни ўрганиш ва таҳлил этиш;
- Аштархонийларнинг тахтга келиши арафасида шайбонийлар давлатининг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳолатини ўрганиш;
- Шайбонийлар давлати инқирозини келтириб чиқарган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий омилларни ётириб бериш;
- Аштархонийлар давлати тарихини ёритиш;
- Бухоро ва Ҳиндисдон давлатлари ўртасидаги муносабатлар ва уларнинг сабабларини ўрганиш;
- Бу даврда ҳукмронлик қилган энг йирик аштархонийлардан бўлган хонларнинг Аштархонийлар давлати тарихидаги ўрнини аниқлаш.

Тадқиқотнинг манбавий асосини Аштархонийлар давлатининг ташкил топиши ва фаолияти тарихини ўзида тўлиқ ёки маълум даражада акс эттирган муаллифларнинг тарихий асарлари ташкил этади. Жумладан, бундай асарларнинг аксарият қисми аштархонийлардан бўлган хонларнинг

ҳаётини у ёки бу даражада ёритган асарлар ҳисобланиб, уларни қуйида келтиришга ҳаракат қиламиз.

Аштархоний Имомқулихон тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи асарлардан бирининг муаллифи Маҳмуд ибн Вали бўлиб, у XVII асрда ўтган балхлик йирик қомусий олим. Отаси Мир Муҳаммад Вали асли фарғоналик (қосонлик) бўлиб, Шайбонийлардан Пирмуҳаммадхон I (1546-1567 йй.) даврида Балхга бориб қолган. У ўқимишли ва кенг маълумотли киши бўлиб, асосан фикҳ илмида замонасининг пешқадам кишиларида ҳисобланган. У Мир Хислат таҳаллуси билан шеърлар ҳам ёзган. Маҳмуд ибн Валининг амакиси Муҳаммад Поянда (1602 йили вафот этган) Самарқанд ҳокими Боқи Муҳаммад (1603-1606 йиллари Бухоро хони) девонида хизмат қилган. Акаси амир Абулборий эса фикҳ, тафсир ва тибб илмини яхши эгаллаган олим киши бўлган.

Маҳмуд ибн Вали 1596 йили туғилган. 19 ёшга борганда, яъни 1614 йили у йирик фикҳ ва ҳадис олими Миракшоҳ Ҳусайнийнинг хизматига киради ва қарийб 10 йил ундан сабоқ олади. Миракшоҳ Ҳусайнийнинг бой кутубхонаси бўлиб, унда Маҳмуд ибн Валининг сўзларига қараганда тарих, география, мумтоз адабиёт, фикҳ, ҳадис ва бошқа илмларга дойр жуда кўп китоблар сақланар эди. Бу илмга чанқоқ ёш олим учун бебаҳо хазина бўлди, албатта. Кейинчалик Маҳмуд ибн Валининг ўзи кутубхонадаги китобларни ўқиб кўп фойда топганини айтади. Миракшоҳ Ҳусайний вафот этган (1624 йил 13 апрел куни)дан кейин Маҳмуд ибн Вали китобий илмини амалий билимлар билан бойитиш мақсадида бошқа мамлакатларга саёҳат қилишга қарор қилди ва бир йиллик тайёргарликдан кейин, 1625 йилнинг июл ойида савдо қарвонига қўшилиб Ҳиндистон томон йўл олди. У Ҳиндистонда қарийб етти йил истиқомат қилди ва унинг Пешовар, Лоҳур, Дехли, Агра, Рож маҳал, Ҳайдаробод, Вижаянагар, Калькутта, Бихар каби бир қатор йирик шаҳар ва ўлкаларини бориб кўради ва уларнинг аҳолиси, халқининг урф-одати, тарихи, маданияти, ва ниҳоят, осори-атиқалари ҳақида қимматли маълумотлар тўплади. Балхга қайтиб келган (1631 йил 20 август)дан кейин

Надр Муҳаммадхон (1606-1642 йиллари Балх, 1642-1645 йиллари Бухоро хони)нинг хизматига кирди ва то умрининг охиригача унинг кутубхонасида китобдор бўлиб хизмат қилди. Маҳмуд ибн Валининг қачон вафот этганлиги маълум эмас.

Маҳмуд ибн Вали фаннинг жуда кўп соҳаларини: тарих, география, илми нужум (астрономия), маъданшунослик (минералогия), ботаника ва ҳоказоларни қамраб олган «Баҳр ул-асрор фи манокіб ул-ахёр» («Олижаноб кишиларнинг жасорати ҳақида сирлар денгизи») номли ўта қимматли комусий асар муаллифидир. Бундан бошқа у «Равои-хи таййиба» («Хушбўй ислар»), «Муҳаббатнома», «Нажме сокиб» («Ёруғ юлдуз»), «Рисолайи Бихория» («Бихор [вилояти] ҳақида рисола») ва «Ахлоқи Хусайний» («Яхши хулқлар») каби бир қатор илмий ва адабий асарлар ҳам ёзган. Лекин уларнинг «Баҳр ул-асрор»дан бошқаси бизгача етиб келмаган.

«Баҳр ул-асрор» (1634-1640 йиллар орасида ёзилган) мундарижасида кўрсатилишича, етти жилддан иборат бўлган. Унинг II-VII жилдлари жаҳон тарихига бағишланган бўлиб, Ўзбекистон ва у билан қўшни мамлакатларнинг қадим замонлардан то 1640 йилгача кечган тарихидан баҳс юритади. Асарнинг биринчи жилди илми нужум, география, маъданшунослик ва ботаника фанларига оид маълумотларни ўз ичига олади. Афсуски, бу муҳим ва қимматли асарнинг фақат I ва VI жилдларигина топилган, холос.

Асарнинг биринчи жилдида етти иқлим мамлакатларининг, шунингдек, Ўзбекистоннинг ўрта асрлардаги шаҳар ва вилоятларининг географик ҳолати, халқи ва унинг турмуш тарзи ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган. «Баҳр ул-асрор»нинг VI жилди алоҳида қимматга эга. Унда XIII-XVII асрнинг биринчи ярмида Чигатой улуси (Ўрта Осиё, Мўғулистон ва Шимолий Афғонистон) тарихи кенг ва атрофлича ёритилган.

Маҳмуд ибн Вали ва унинг мазкур асари илмий жамоатчиликка кўпдан (1902 й.) бери маълум бўлса-да, ҳали жуда кам ўрганилган. Асар тўла равишда бирон Европа тилига таржима қилинмаган. Ундан айрим парчалар

(русча таржимаси) В. В. Бартольд, Б. А. Аҳмедов ва К. А. Пишулина томонидан эълон қилинган.

Асарнинг олти нафар нусхаси мавжуд. Тўрттаси ЎзР ФА Шарқшунослик институтида (I жилд ва VI жилднинг 1-3-қисмлари) икки нусха Англия ва Покистонда (VI жилднинг 4-қисми) сақланмоқда.

Хожа Самандар Термизий XVII аср тарихчилари жумласидан. Ҳақиқий исми шарифи Муҳаммад Бақохожа асли насаф (Қарши)лик Мир Ҳайдарий тариқати шайхларидан бири оиласида дунёга келган. Хожа Самандар Термизийнинг туғилган ва вафот этган йили аниқланмаган. У Аштархонийлардан Абдулазизхон (1645-1681 йй.) ва Субҳонқулихон (1681-1702 йй.) билан замондош бўлган. У 1702 йилгача Қаршида раислик лавозимида турган; Абдулазизхон ва Субҳонқулихоннинг ҳарбий юришларида иштирок этган. Охири ана шу Мир Ҳайдарий тариқати шайхларидан баъзиларининг иғвоси билан 1702 йили раислик лавозимидан истеъфога чиқишга мажбур бўлди ва умрининг охиригача (1735 йилда у ҳали ҳаёт бўлган) фақат илмий фаолият билан машғул бўлган.

Муҳаммад Бақохожа (хожа Самандар Термизий) ўз даврининг кенг маълумотли кишилари жумласидан бўлган. Ўша вақтларда ёзилган бир қатор китобларнинг («Музаққир ул-аҳбоб», «Муҳит ат-таворих») маълумотларига қараганда, у етук шоир, ёзувчи ва тарихчи олим бўлган; илоҳиёт ил-мини ҳам яхши билган. Муҳаммад Бақохожа кўп саёҳат қилиб, назарий билимини мустаҳкамлаган.

Бизнинг замонимизгача олимнинг икки муҳим асари етиб келган. Булардан бири «Дастур ул-мулук» («Подшоларга қўлланма»), иккинчиси «Онис ул-фуқаро» («Фақирлар дўсти») номи билан машҳур. Биринчи асар 1695 йили, иккинчиси 1735 йилда ёзилган.

Ўзбекистан тарихини ўрганишда хожа Самандар Термизийнинг «Дастур ул-мулук» асари зўр қимматга эга. Асар Бухоро хонлигининг XVII асрнинг 70-90-йилларидаги ижтимоий-сиёсий аҳволини, шунингдек, Бухоро билан Хива хонликлари ўртасидаги сиёсий муносабатларни ўрганишда катта

аҳамиятга эга. Асарда ўзаро курашлар, олий мартабали мансабдорлар орасида кенг тарқалган бузуқлик, порахўрлик, зулм ва меҳнаткаш халқнинг оғир аҳволи ҳақида қимматли маълумотлар мавжуд. «Дастур ул-мулук»да ўзбекларнинг этник таркиби ҳақида ҳам муҳим далил ва маълумотлар учратамиз.

«Дастур ул-мулук» 1971 йили (форсча матни, русча таржимаси, зарур изоҳлар билан) М. А. Салоҳиддинова ва ўзбекча нашри 1997 йили Жаббор Эсонов тарафидан амалга оширилган.

БМИнинг илмий ва амалий аҳамияти шундан иборатки, унда Аштархонийлар (Жонийлар) давлати тарихи ва бу сулоланинг энг йирик намоёндалари бўлган хонларнинг сиёсий портрети яхлит ўрганилди ва баъзи масалаларга ойдинлик киритилди.

БМИнинг тузилиши. Иш кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхатидан иборат.

I боб. XVII асрнинг биринчи ярмида Аштархонийлар давлатининг умумий аҳволи

1.1. Аштархонийлар сулоласининг тахтга чиқиши

Аштархонийлар Чингизхоннинг катта ўғли Жўжи наслидан бўлиб, Олтин Ўрда давлатининг парчаланиши натижасида Волга дарёси бўйидаги ҳудудларни ўзларига бирлаштириб, у ерда мустақил сулолага асос солганлар. Бу давлат Ҳожи тархон ёки Аштархон номи билан юритилган. Иван Грозний даврида Россия давлати кучайиб ўз ҳудудларини шарққа қараб кенгайтира бошлади. Айнан шу даврда Олтин Ўрданинг парчаланиши натижасида ташкил топган қатор давлатлар Россия томонидан босиб олиниши бошланди. Дастлаб 1552 йили Қазон хонлиги забт этилган бўлса, 1556 йили Аштархон хонлиги Россия томонидан босиб олинди. Россия босқинига қарши курашда мағлубиятга учраган Аштархон хонлари Ўрта Осиёга чекинишади. Бу даврда Бухоро хонлигини Искандархон бошқараётган эди. Искандархон Аштархоннинг собиқ ҳукмдори Ёрмуҳаммадхонни тантанали кутиб олади ва уларга Бухорода яшаш учун тўла шароит яратиб берилади. Шунингдек, Искандархон Ёрмуҳаммаднинг ўғли Жонибек Султонга қизи Зухрабегимни турмушга беради. Бу никоҳдан Динмуҳаммад, Боқимуҳаммад, Валимуҳаммадлар туғилади. Улар улғайгач ҳукмдор хонодоннинг қариндошлари сифатида шайбонийлар сулоласига хизмат қила бошлайди. Мисол учун катта ўғил Динмуҳаммад Абдуллахон II даврида Шимолий Эрондаги Нисо ва Абивард шаҳарларга ҳоким этиб тайинланган.

Бу сулоланинг тахтга чиқиши ва шайбонийлар сулоласининг тахтдан кетиши масаласи анчагина қизиқарли ва санавий жиҳатдан биров муаммоли масалалардан бўлиб қолмоқда. Бу хусусда тарихий асарларда, солнома ва сулолалар бўйича қўлланмаларда бир-бирига зид фикрлар мавжуд. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, уларнинг аксариятида шайбонийлар сулоласининг тугаши санаси 1598 йил, яъни Абдулмўминхоннинг вафотидан кейин деб кўрсатилган. «Тожикистон ССР тарихи»да бошқа сана - 1599 йил

кўрсатилган. Бухоро тахтида ўтирган шайбонийларнинг сўнгги хони Пирмуҳаммад дейилган. Бироқ унинг ҳукмронлик йили қанчага чўзилгани ҳақида бир иима дейилмайди. В. В. Бартольд, Стенли Лен-Пуль, К. Э. Босворт асарларида ҳам Пирмуҳаммаднинг 1599 йилгача тахтда ўтиргани ҳақида гап боради. Хусусан, К. Э. Босворт «Шайбонийлар Бухорода 1598 йилгача ҳукмронлик қилдилар, кейин ҳокимият жонийлар қўлига ўтди. Улар Жўчининг ўғли Ўрда авлодидан бўлиб, шайбонийларга она тарафдан қариндош эдилар», - деб ёзади. Бухоро тахтига ўтирган бу сўнгги шайбоний ҳақида таниқли тарихчи М. А. Абдураимов ҳам тўхталиб ўтган. Унинг таъкидига кўра, Пирмуҳаммадхон «Абдуллахони сонийнинг тоғаси кекса Пирмуҳаммад» бўлган. Аслида зса «Абдуллахони сонийнинг тоғаси кекса Пирмуҳаммад» аллақачон, Балх хони бўлиб турганда (1546-1567) оламдан кўз юмган эди. Қўлёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича, мазкур воқеадан ўттиз йил олдин 1567 йилнинг 2 мартида вафот этган эди¹.

Абдулмўминнинг вафотидан (1598) кейин шайбонийлар сулоласи барҳам топгани ҳақидаги фикр В. В. Вельяминов-Зернов ва В. В. Бартольд асарларида келтирилган ҳужжат ва далиллар асосида юзага келган. Масалан, В. В. Бартольднинг асарларида бу хусусда турлича талқинлар мавжуд. Бир жойда у «Абдулмўмин олти ойдан сўнг ўз одамлари томонидан ўлдирилган эди. Хуросон ва Хоразмдаги босиб олинган ерлар қўлдан кетди; ўзбеклар диёрида ҳокимият бошқа сулола қўлига ўтди», деб ёзган бўлса², бошқа бир жойда «Шайбонийларнинг сўнгги ҳукмдори деб ўрта осийлик муаррихлар Абдуллахони сонийнинг ўғли ва тожу тахт вориси Абдулмўминни тан оладилар... Зотан, Искандар Муншийнинг «Тарих-и оламоройи Аббосий» асарида Абдулмўминдан кейин тахтга шахзода Пирмуҳаммад чиққани ва у Абдуллахоннинг қариндоши ва Жонибек уруғидан бўлган шахзода» экани таъкидланади. Бу маълумот В. В. Вельяминов-Зерновнинг «Қосимовлик

¹ Муҳаммадёр ибн Араб Қатағон Мусаххир ал-билод / Форс тилидан таржима, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари Исмоил Бекжонов, Дилором Сангирова. – Т.: Янги аср авлоди. 2009 Б. 194. Бу манбада 1567 йил 12 март санаси кўрсатилган.

² В. В. Бартольд. Асарлар, II жилд, 2-қисм, Москва, 1964, Б.487

шоҳлар ва шаҳзодалар ҳақида тадқиқот» асарида келтирилган¹. Пирмуҳаммадни у Сулаймон султоннинг ўғли, Жонибекнинг набираси, дейди. Пирмуҳаммад Боқий Муҳаммаддан енгилиб, 1599 йилнинг июнь ойида қўлга олиниб ўлдирилган эди. Шунинг учун ҳам Ховорс ва Лэн-Пуль қўлланмасида шайбонийларнинг сўнгги вакили Абдулмўмин бўлмай, Пирмуҳаммади сонийдир, дейилган². В. В. Вельяминов-Зернов ўз мулоҳазаларини «Тазкирайи Муқимхоний» ва Искандарбек Муншийнинг юқорида тилга олинган «Тарихи оламороийи Аббосий» асарларига асосан баён этган эди. Искандарбек Мунший берган маълумотлар асосида у бундай деб ёзади: «1598 йилнинг ёзида Абдуллахоннинг тожу тахт вориси Абдулмўмин қотиллар қўлида шаҳид бўлди. Унинг ўғли икки яшар бўлгани учун ҳеч ким унинг хонлик ҳуқуқини тан олгиси келмади. Бошқа ворис бўлгудек одам йўқ эди... Давлатнинг турли бурчакларидан хонликка даъвогарлар чиқа бошлади. Бухоро тахтини Абдуллахоннинг қариндоши Жонибек уруғидан Пирмуҳаммад эгаллади... Уни Абдуллахоннинг эски тарафдорлари ва лашкар бошлиқлари тахтга ўтказдилар. Балхда ўзини Абдуллахоннинг укаси марҳум Ибодулла султоннинг ўғли деб кўрсатган Абдул Амин султон ҳоким бўлди... Абдул Амин кейин Пирмуҳаммадга, олий ҳукмдор сифатида уни тан олиб, тобелик билдирди... Ҳирот ва Хуросонда Абдуллахоннинг жияни Динмуҳаммад султон ҳоким бўлди... Марв шаҳри ҳам унга бўйсунди. Бу ерда Динмуҳаммаднинг укаси Валимуҳаммад, ҳоким эди... Эронликлар шоҳ Аббос бошчилигида Хуросонга бостириб кирдилар. 1598 йил июль ойида Пирмуҳаммад Ҳирот яқинидаги Пули солор мавзеида у билан жанг қилди, лекин мағлуб бўлиб, чекинди ва бедарак йўқолди...

Абдулмўминнинг ўлдирилгани Туркистон заминда шуҳрат топгач, қозоқ хони Таваккал Мовароуннаҳрда эътимодли ҳукмдорнинг йўқлигини кўриб, катта қўшин тузди... ва Мовароуннаҳрга қарши юриш қилди... Туркистон ва Мовароуннаҳрнинг Аҳси, Андижон, Тошкент ва

¹ Исследование о Касимовских царях и царевичах, 2-кисм, Б. 345

² В.В. Бартольд, Асарлар, II жилд, 2-кисм, Б. 546-547

Самарқанднинг Миёнқолигача бўлган ерларни босиб олди ва Бухорога қараб юрди... Унинг қўшинлари қисм-қисмларга бўлиниб, шаҳарни қамал қилди... Шу залда жанглар ўн бир кун давом этди., Ўн иккинчи куни Бухоро шаҳридаги лашкарлар чиқиб жангга тутиндилар. Эрта тонгдан то кун ботгунча қаттиқ савалашиш бўлди. Қозоқ қўшинларни тор-мор келтирилди, Таваккалхон минг азобда юртига чекинди. Лашкарнинг кўпчилиги тарқаб кетди... Бунинг устига Таваккалхон Бухородан чекиниши билан Пирмуҳаммадхон ва унинг одамлари шаҳардан чиқди ва чекинаётган қозоқ хонини таъқиб этишни бошлади. Теварак-атрофдаги мамлакатлар ва Мовароуннаҳрдан лашкар келиб, уларга қўшила бошлади. Бухороликлар Миёнқолнинг Узун соқол мавзеида душман билан жангга киришдилар. Савалашиш бошланди. Шу пайтда Динмуҳаммаднинг Пулисолорда жанг майдонидан қочган иниси Боқий султон Пирмуҳаммадга келиб қўшилди. Боқий султон Таваккалхон қўшинлари билан бир неча бор жанг қилди ва кўпчилигида ғалаба қозонди... Боқий султон ва Пирмуҳаммадхон шу вақт ичида тинимсиз ва жон олиб - жон бериб жанг қилдилар. Охири Таваккалхон сабр-тоқати тугаб, бор кучлари билан Пирмуҳаммадхон қўшинларига ташланди. Қирғинбарот уруш бўлди. Жангда Таваккалхон жангчилари кўлида Пирмуҳаммадхоннинг қариндоши Сайид Муқаммад султон ва Муҳаммад Боқий оталиқ шаҳид этилган бўлса ҳам, Таваккалхоннинг ўзи ҳам ўқ еб оғир заҳмдор бўлди, бирон натижага эриша олмади. У чекинишга мажбур бўлди ва Тошкентга қайтиб кетиб, ўша ерда ўлди. Пирмуҳаммадхонга келсак, у кўрсатган хизматлари учун Боқий Муқаммадга, яқин маслаҳатчилари билан кенгашиб, Самарқанд вилояти ҳокимлигини берди ва Бухорога қайтди. Боқий султон хурсанд ва мамнун бўлиб, Самарқандга келди... Бир оз муддат ўтгач, [Пирмуҳаммадхон] нақшбандия тариқатининг шайхлари воситачилигида Тошкентга келган қозоқ султонларининг етакчиси билан сулҳ шартномаси тузилди. Шартномага кўра Самарқанд лашкарлари минбаъд Тошкентга даъвогарлик қилмайдиган бўлди.

Лекии, Боқий султон Пирмуҳаммаднинг унга берган ноиблик мансаби билан қаноат қилмади., У энди ўз мақсади йўлида ҳамфикр ўзбекларни тўплай бошлади ва уларни хонга қарши қўзғатди. Тез орада Боқий Муҳаммаднинг атрофига анча киши уюшди. Улар тепасида амакилари Раҳмонқули ва Аббосқули, иниси Турсун Муҳаммад султон турардилар, Пирмуҳаммадхоннинг одамлари Боқий султоннинг хатти-ҳаракатини диққат билан кузатиб турдилар лекин Боқий Муҳаммад Бухоро ҳукуматида тобеликни хўжакўрсинга сақлаб келаётган бўлсада, буни кўрмасликка олардилар. Охири Боқий султон очиқ исён кўтарди. Миёнқолга бостириб кирди, Дабусия қалъасини эгаллади, унинг ҳокими Пирмуҳаммадхоннинг қариндоши Муҳаммад Шариф султонни ўлдирди. Пирмуҳаммадхон Балхдан мадад сўради ва қирқ минг кишилик лашкар билан Самарқанд устига қўшин тортди, уни қамал қилди. Лекин Бухоро хонининг омади келмади, у ярадор бўлиб, қўлга тушди. Боқий султон ўша заҳотиёқ уни ўлимга буюрди... Боқий султон Бухорога қараб юрди, ҳеч тўсқинликка учрамай шаҳарга кириб тахтни эгаллади. Бу воқеа 1599 йилнинг ёзида юз берди»¹ Бунга ҳар қалай, «Муқимхон тарихи»да келтирилган қуйидаги воқеа сабаб бўлган: «Боқий Муҳаммадхон билан Вали Муҳаммадхон кофирлардан енгилиб, Мовароуннаҳрга яқинлашганларида Бухоро амирлари Динмуҳаммадхоннинг қизилбошлар билан бўлган жангда ўлдирилгани хабарини эшитдилар. Унинг икки укаси Мовароуннаҳрга етиб келди. Буни яхшиликка йўйиб, шукр қилиб, Бухоро амирлари шахзодалар қаршисига пешвоз чиқдилар ва ўша куниёқ Боқий Муҳаммадхон бошига тож қўйдилар. Вали Муҳаммадхонни валиахд этиб тайинлаб, қуббат ул-ислом Балх вилоятига жўнатдилар»².

Бу ерда воқеалар бир оз чалкаштирилган. Аслида Боқий Муҳаммадхон Абдуллахон ва Абдулмўмин вафотидан кейиноқ ҳокимият тепасига келмаган, 1601 йилда келган. Буни XVI-XVIII асрларга доир қатор қўлёзма

¹ Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар – Т.: Ўқитувчи. 1994. Б. 186-187

² Аҳмедов Б. Ўша жойда.

манбалардаги маълумотлар ҳам исботлайди. Уларнинг бир қисми Туркистон тарихи тадқиқотчиларига таниш эмас эди. Бу асарлар қуйидагилардир:

1. «Мусаххир ал-билод» («Мамлакатлар фатҳи»). У 1605 йили Муҳаммадёр ибн Араб қатағон томонидан таклиф этилган ва аштархонийлар ҳукмдори Боқий Муҳаммадхонга бағишланган. Унда шайбонийлар сулоласига доир қимматли маълумотлар мавжуд;

2. «Мажмаъ ул-ғаройиб». Султон Муҳаммад Балхий қаламига мансуб; 1596 йилда ёзилган. Унда элат ва қавмлар, йиллар ва воқеалар ҳақида кизиқарли маълумотлар бор;

3. «Тарихи оламоройи Аббосий». Искандарбек мунший қаламига мансуб; уч жилдлик; 1616-1629 йилларда ёзилган.

4. «Баҳр ул асрор фи манокіб ул-аҳёр» («Хайрли кишилар жасорати борасида сирлар денгизи»). Маҳмуд ибн Валининг 1634-1641 йилларда ёзилган қомусий асари;

5. «Матлаб ут-толибин» («Толиблар матлаби»). У XVI-XVII асрнинг биринчи ярмида ўтган Жўйбор шайхлари: хожа Муҳаммад Ислоҳ (1493-1563), хожа Саъд (1531-1588), хожа Тожддин Ҳасан (1571-1646), хожа Абдурахим (1575-1628), Абдихожа (1577-1607) ва Муҳаммад Юсуфхожа (1595-1652) сингари машҳур хожаларнинг таржимаи ҳолидан иборат. Муаллифи мазкур хожа Тожддин Ҳасаннинг ўғли Абулаббос Муҳаммад Толиб Сиддиқий; асар 1663 йилда ёзилган бўлиб, XVI-XVII асрларда бўлиб ўтган муҳим сиёсий воқеаларга доир маълумотларга бой;

6. «Тарихи Муқимхоний». У Муҳаммад Юсуф Мунший тарафидан 1697-1704 йилларда ёзилган. 1598-1702 йилларда Бухоро хонлиги, кўпроқ ярим мустақил Балх хонлигида бўлиб ўтган сиёсий воқеалар баёнидан иборат;

7. «Тарихи Қипчоқхоний» - мусулмон дунёсининг умумий тарихи. Охирги (бешинчи) қисми оригинал бўлиб, XVI-XVIII асрларда Ўрта Осиё ва унга қўшни Шарқ мамлакатлари тарихига доир қимматли маълумотларга эга. У Хожамқулибек Балхий томонидан 1724 йилда ёзиб тугатилган;

8. «Силсилат ус-салотин». Ўрта Осиёнинг XVI-XVIII асрнинг биринчи чораги тарихига доир кам ўрганилган қизиқарли асар. 1730 йилда аштархоийлар сулоласига мансуб бўлган шахзода хожа Мир Муҳаммад Салим томонидан ёзилган. Ҳозирча унинг Бодлеян кутубхонаси (Буюк Британия) да сақланаётган ягона нусхаси аниқланган;

9. «Тарихи Сайид Роқим». Мулла Шарафуддин аълам ибн Нуриддин охунд қаламига мансуб бўлиб, тарих ва сулолаларга доир бой маълумотларга эга.

Энди Пирмуҳаммад хакида, У шайбонийлардан бўлиб, Сулаймон султоннинг ўғлидир. Сулаймон султон Шайбонийхоннинг сафдошларидан Жонибек султон (вафоти 1528 йил) ининг еттинчи ўғли, Абдуллахоннинг жияни. Унинг отаси Искандар султон (вафоти 1583 йил) ҳам мазкур Жонибек султоннинг бешинчи ўғли бўлган; Абдулмўмин қирғинидан Пирмуҳаммад уч нафар ўғли билан бирга Миёнқолда жон сақлаб қолган; уч йил давомида (1598-1601) Бухоро хони бўлган.

Бу гаплар шунчаки гап бўлиб қолмаслиги учун Абдуллахони соний вафотидан (1598 йил 8 февраль) кейин Ўрта Осиё ва Хуросонда юз берган воқеаларга тўхталиб ўтамиз. Отаси вафотидан кейин Абдулмўмин олти ойгина ҳокимият тепасида турди, кейин фитначилар томонидан ўлдирилди. Уларнинг тепасида Абдуллахоннинг эски амирларидан Абдуссамад баҳодир мирохўр ва Муҳаммадқул баҳодир тирандоз турдилар. Бу воқеа 1598 йилнинг июль ойида Ўратепа билан Зомин оралиғида содир бўлди. Шундан кейин, юқорида қайд этилган қўлёзма манбаларга қараганда, Мовароуннаҳрда ўзаро феодал курашлар кучайди, бошбошдоқчилик бошланди; шимол тарафдан эса Таваккалхон бошчилигида қozoқлар бостириб кирди, улар Тошкент билан Самарқандни олиб, Бухорога яқинлашдилар. Лекин Бухоро амирлари орасида якдиллик бўлмади. Улар икки гуруҳга ажралиб кетдилар: бир гуруҳи - Оллоҳберди кўкалтош, Қосим ҳожи кeroит, Аваз эшик оғаси, Валибек ҳожи, Мансур ҳожи тархон ва бошқалар Ибодулла султоннинг 17 яшар асранди ўғли Абдуламин султонни (Испанд султон номи билан ҳам танилган) олиб,

Балхга қараб кетдилар ва ўша жойда уни хон қилиб кўтардилар. Бошқа бир гуруҳи - Худойназарбий, Дўстим Чухра оғаси ва бошқалар Абдулмўмин қирғинидан омон қолган Пирмуҳаммадни уч ўғли билан бирга олиб келиб, ўзини шайбонийларнинг олий ҳоқони деб эълон қилдилар. Ҳиротда ҳокимиятни аштархонийлардан Ёрмуҳаммадхон (Жўчининг ўн учинчи ўғли Тўқай Темур авлодидан) нинг ўғли Динмуҳаммадхон эгаллади. Илгари у Сейистонни Абдуллахон номидан идора қилган; 1586 йилдан кейин эса Жом вилоятини бошқарган; ундан сўнг отаси Ёрмуҳаммадхонни хон деб эълон қилди.

Мовароуннаҳр билан Ҳуросонда воқеалар шундан кейин қуйидаги тарзда ривожланди. Қозоқ султонлари Таваккал, Баҳодир ва Эшим Мовароуннаҳрдаги тартибсизликдан фойдаланиб 1598 йили Сайрамда бирлашдилар ва Тошкентга қараб юрдилар. Улар, юқорида айтилганидек, Тошкент ва Самарқандни осонгина қўлга киритдилар ва кўз кўриб қулоқ зшитмаган қирғин ва босқин билан шуғулландилар. Кейин қўшинларининг бир қисмини Самарқандда Эшим султон билан қолдириб, Бухоро томон юрдилар. Маҳмуд ибн Валининг гувоҳлик беришича, ўшанда Миёнқолнинг Дабусия ва Куфин қалъаларидан ташқари барча қишлоқлари босиб олиниб, талон қилинди. Кейин қозоқ кўшинларн Бухорони икки ой давомида қамалда тутдилар.

1598-1602 йилларда Балхда Абдуламин султон (1598-1600), Иброҳим султон (1600-1601)лар ҳокимлик қилдилар. Иброҳим султон шайбонийлардан Суюнч Муҳаммад султоннинг ўғли бўлиб, унгача шоҳ Аббос аввал (1587-1629) саройида Исфаҳонда истиқомат қилди. Маҳмуд ибн Валининг ёзишича, Муҳаммад Иброҳимхон кейинчалик халққа, шунингдек амалдорларга ҳам зулм қилган. Улар Самарқанд ҳокими Вали Муҳаммадхонга ёрдам сўраб мурожаат қилишга мажбур бўлдилар. Вали Муҳаммадхон тўхтовсиз Балх устига қўшин тортди. Бу юриш 1601 йилнинг июлидан сентябригача давом этди. Аштархонийлар қўшинининг Амударёнинг сўл соҳилида пайдо бўлиши ҳаммани саросимага солди. Амирлар Балхдан икки фарсах шимолда

жойлашган Сиёҳжирд қишлоғида Муҳаммад Иброҳимхондан юз ўғирдилар. Замондош тарихчи ёзади: «Икки лашкар бир-бирига қарши саф тортган бир пайтда Вали Муҳаммадхон билан жанг қилгани чиққан Балхнинг ҳар бир амири ва ботири қилич ва қалқонни бўйнига осиб Вали Муҳаммадхон узангисини ўпишга шошилдилар. Бу ҳам етмагандай, улар Иброҳимхонни тутиб, бошини тандан жудо қилдилар ва Вали Муҳаммадхон оти оёғи остига ташладалар». Балхга ҳужум қилишга эҳтиёж қолмади. Балхнинг эътиборли амирлари Назарбий ва Шукурбий шаҳар дарвозаларининг калитини олиб чиқиб, шаҳарни аштархонийларга таслим қилдилар. Шундай қилиб, 1601 йилнинг декабрь ойида Балх аштархонийлар қўлига ўтди. Шу ерда Жонимуҳаммадхон номига хутба ўқилди ва Балх ҳокимлигига Вали Муҳаммадхон тайинланди¹.

Энди 1598 йилдан кейин Хуросонда бўлиб ўтган воқеаларни олиб кўрайлик. Юқорида номи тилга олинган Динмуҳаммадхон Абдулмўминнинг ўлдирилганлигини эшитиб, Ҳирот сари юзланди. Абдулмўмин томомидан ўлдирилган Қулбобо кўкалтош ўрнига қўйилган Ҳожибий унга дарвозани очиб, шаҳарни топширди. Динмуҳаммад отаси Ёрмуҳаммадни тахтга ўтқизиб, бошқа вилоятларни: Фарах, Исфароин, Нишопур, Сабзавор ва Марв шоҳижаҳонни бўйсундиришга киришди. Кейин Сейистонни олди. Хуллас, бир йил давомида у Сабзавордан Марвгача ва Марвдан Сейистонгача бўлган ерларни ўзига бўйсундирди. 1599 йилнинг июнь ойида шоҳ Аббос аввал Динмуҳаммадхонга қарши қўшин тортди; Исфароин, Сабзавор, Нишопур ва Машҳадни осонгина қўлга киритди ва 1599 йилнинг 28 июлида Ҳиротдан тўрт фарсах ғарбда жойлашган Пули солор мавзеига келиб тушди. 1599 йилнинг 29 июлида қирғинбарот уруш бўлди. Бу урушда қизилбошларнинг қўли баланд келди. Ўзбеклар тўрт минг кишисидан ажралди. Улар орасида Динмуҳаммадхон ҳам бор эди. Шунда Вали Муҳаммадхон ўз мулки бўлмиш Марви шоҳижаҳонга қараб кетди, Боқий Муҳаммад ўн яшар Имомқули султонни ва олти яшар Нодир Муҳаммадхонни, шунингдек марҳум

¹ Аҳмедов Б. Ўша асар Б. 191

Динмуҳаммадхоннинг ўғиллари, унинг отаси Ёрмуҳаммадхон ва оиласини ўзи билан бирга олиб, Маймана ва Фарёб томонга қараб қочди, Сўнг Амударёдан ўтиб, Бухоро тарафга қараб кетди.

Айнан шу вақтда Самарканд ва Бухорода қандай воқеалар бўлаётган эди? Пирмуҳаммадхон Мовароуннаҳрга бостириб кирган қозоқ султонлари Таваккал, Эшим ва Баҳодир билан жанг қилди. Таваккал Бухорони қамал қилгани билан уни ололмади. Тошкент, Миёнқол амирларидан Муҳаммад Саидбек жалоир, Аббос қоровулбеги қирғиз, Мирза найман, Назарбийларнинг Пирмуҳаммадхон тарафга ўтиб кетиши бунга сабаб бўлди» Бунга қадар улар қозоқ султонлари хизматида эдилар. Оқибатда Таваккал қамални бўшатиб, Самарканд тарафга чекинишга мажбур бўлди. Муҳаммад Боқибий дўрмон, Худойназарбий, Дўстим Чухра оғаси, Дўстимбий арғик ва бошқа амирлар бошлиқ Бухоро лашкарлари уни таъқиб этиб, Миёнқолнинг Учқора мавзеида унга етиб олдилар. Жанг қизиб турганда шайбонийлардан Сайид Муҳаммад султон ва Тўқай Темурийлардан Муҳаммад Султон ва Раҳмонкул султон, Ёрмуҳаммадхоннинг ўғиллари Пирмуҳаммадга келиб қўшилдилар. Ўшанда шайбонийлар ва аштархонийларнинг бирлашган кучлари ғалаба қилди. Таваккал қўшинлари тор-мор келтирилди. Қозоқ қўшинларининг қўмондони Абулвосебий жангда ҳалок бўлди, оғир яраланган Таваккални Тошкентга олиб кетдилар. Эртаси куни Пирмуҳаммадхон ўрдасига Боқий Муҳаммад ва Вали Муҳаммад бошлиқ қолган Тўқай Темурийлар етиб келди.

Таваккал султон билан бўлган бу ҳал қилувчи жанг қачон бўлган? Маълумки, тирик қолган Тўқай Темурийлар Боқий Муҳаммад ва Ёрмуҳаммад 1599 йилнинг 29 июлида бўлган урушдан кейин Пули солор (ёки Молоп) қишлоғини ташлаб чиқдилар. Мовароуннаҳрга улар Маймана ва Фарёб орқали келдилар. Бир ой йўл юрган, деб тахмин қилсак, улар Бухоро, кейин Миёнқолга 1599 йилнинг 28 августида етиб келган бўлиб чиқади. Султонлар етиб келганларининг учинчи куни ҳар икки тараф ҳал қилувчи жангга сафландилар. Маҳмуд ибн Вали бу жанг тафсилотини келтирган.

Пирмуҳаммадхони соний қўшинларининг ўпг канотига Сайид Муҳаммад султон, Раҳмонкул султон ва Муҳаммад Боқибий дўрмон қўйилди. Сўл канотга Боқий Муҳаммадхон ва Вали Муҳаммадхон тайинланди. Марказда Пирмуҳаммадхоннинг ўзи олий мартабали амирлар Шоҳ Кўчакбий оталиқ, Муҳаммадбий оталиқ баҳрин ва бошқалар билан турди. Қазок қўшинларининг сўл канотида турган Эшим султон шайбоний қўшинларининг ўнг канотига ҳужум қилди, уни бир қадар пароканда қилди, Сайид Муҳаммад султон ва Муҳаммад Боқибий жангнинг дастлабки соатларидаёқ ўлдирилдилар. Қолганлар тартибсиз чекина бошлади. Шунга қарамай, Боқий Муҳаммадхон чекинаётганларни тўхтатишга ва жавоб ҳужуми уюштиришга муваффақ бўлди. Шайбонийларнинг қалб ва сўл қаноти ҳам ҳужумга ўтди. Бу қирғинбарот жангда ҳар икки томон ҳам кўп одамини йўқотди. Охири шайбонийлар ғалаба қозонди. Қозок лашкарлари Дашти қипчоққа чекиндилар. Таваккал томонидан Самарқандда ҳоким қилиб қолдирилган Муҳаммад Сайид жалоир шаҳарни Пирмуҳаммадхонга топширди. Мовароуннаҳр ҳудуди бир неча ой давомида озод этилгандан кейин Пирмуҳаммадхон Самарқанд ва унга тобе туманларни, қасаба ва рустоқларни Боқий Муҳаммадхон ва бошқа аштархоний султонларга топширди. Юқорида зикр этилган воқеалардан кейин Самарқандга Боқий Муҳаммадхон ва бошқа аштархонийларнинг тайинланиши 1599 йилнинг октябрь ойи охирларига тўғри келади.

Пирмуҳаммадхон Бухоро хонлигини яна икки йил идора қилди. Бу ҳақида “Баҳрул ул-асрор», «Тарихи оламорои Аббосий», «Силсилат ул-салотин» ва бошқа битик манбалар гувоҳлик беради. Масалан, «Тарихи Оламарои Аббосий»да Эрон ва Ўрта Осиёда бўлиб ўтган воқеалар йиллар ва ойлар бўйича баён этилади. Хусусан, Пирмуҳаммадхон соний элчиларининг 1600 йил 9 мартда Машҳадга етиб келгани ҳақида (Шоҳ Аббос Наврўз тантаналари муносабати билан шу ерда эди) ёзилади. Искандарбек мумший келтирган мактуб мазмунига қараганда, сафавийлар саройида мазкур Муҳаммад Иброҳим султоннинг паноҳ топгани ва энг камида Балх тахтидан

унинг умидворлиги Бухоро хонини ташвишга соларди. Пирмуҳаммадхон ўз мактубида уни тутиб беришни шоҳдан қатъий сўраган эди. Мактубда хусусан мана буларни ўқиймиз: «Фарзанди аржумандимиз Муҳаммад Иброҳим ибн Жонибекхон, подшоҳи марҳум, Абдуллахоннинг амакиси, давлатимизнинг садоқатли дўсти ва хайрихоҳи ҳазрат (Пирмуҳаммадхон) нинг марҳаматли ходимлари тарафидан ҳибсга олинган эдилар. Маълум бўлишича, маъсум аждодларингиздан мерос олган шафқати жабиллийингизга амал қилиб, зарурат юзасидан ундан марҳаматингизни дариф тутмадингиз. Бу мамлакат ҳукмдорлиги дўсти содиқингизга мерос қолган экан, ул содиқ дўстни биз ўз фарзандимиз каторида кўруرمىз. Уни биз томонга жўнатишни жаноби олийлари ихтиёр қилгудек бўлсалар марҳамати олий ва меҳрибонлик кўргузган бўлур эдингиз». Искандарбек муншийнинг кейинги ҳикояларига қараганда, шоҳ Бухоро элчисига Муҳаммад Иброҳимхонни қўйиб юборишга ваъда берган. Аммо уни эътиборли маҳбус тарзида эмас, олий ҳукмдор сифатида кузатиб қўйишини таъкидлайди. Айнан шу пайт Боқий Муҳаммадхоннинг Пирмуҳаммадхон қўшинларини тор-мор келтиргани ва Бухорони эгаллагани ҳақида Марвдан хабар келади. Шунинг учун муаррих «Муҳаммад Иброҳим султонни жўнатиш масаласи кейинга қолдирилган эди», - деб хулоса қилади. Шу нуқтаи назардан «Му-саххир ул-билод» муаллифининг Сайид Муҳаммад султон ибн Кепак султон ибн Бубай султон (Жонибек султоннинг тўнғич ўғли) га бағишланган бобда келтирган маълумотлари эътиборга сазовордир. Унда жумладан шундай дейилади: «Сайид Муҳаммад султонга акаси Суюнч Муҳаммад султон вафотидан кейин Абдуллахон Соғарж вилоятини инъом қилди. Абдулмўмин Хуросоннинг баъзи вилоятларини қўлга киритгандан кейин (XVI асрнинг 90-йилларида) отасидан Сайид Муҳаммад султонни сўратиб олиб, уни Турбати Жомга ҳоким этиб тайинлади. 1598 йилининг июль ойида Абдулмўмин ўлдирилгач, Сайид Муҳаммад султон Балхга кетиб қолди. Кейин Пирмуҳаммадхоннинг хизматига ўтди. Мовароуннахрнинг амир ул-умароси Муҳаммад Боқибий бошчилигида бир гуруҳ амирлар Учқорадаги Таваккал султон билан бўлган

жангдан олдин қозоқларни енгган тақдирда Пирмуҳаммадхонни маъзул этиб, шу Сайид Муҳаммад султонни тахтга ўтқозишга қарор қилдилар. Лекин ўйлаганлари чиқмади – фитна ташкилотчиси ва бўлажак хон мазкур жангда ўлдирилган эдилар. Сайид Муҳаммад султондан ёлғиз Жаҳонгир султон деган ўғил қолди. Отаси шаҳид бўлганда у ўн яшар эди. Таваккал устидан қозонилган ғалаба ва мамлакатда тартиб ўрнатилгандан кейин Пирмуҳаммадхон ўша Жаҳонгир султонни Тошкент ҳокимлигига тайинлади. 1601 йилда, орадан бир йил ўтгач, Пирмуҳаммадхон билан Боқий Муҳаммадхон ўртасида адоват бошланди»¹ Пирмуҳаммадхон билан Боқий Муҳаммадхон ўртасидаги келишмовчилик ва жанг ҳақида Маҳмуд ибн Вали ва ҳожи Мир Муҳаммад Салим батафсил ҳикоя қиладилар. Уларнииг ёзишига кўра, жалоир (Муҳаммад Саидбий), дўрмон (Боқибий, Алиқулибий, Соқибек) ва бошқа қабила бошлиқларининг иғвоси билан Пирмуҳаммадхон ва Боқий Муҳаммадхон ўртасидаги муносабатлар бузилган. Улар Пирмуҳаммадхонни аввал «Самарқандга қўшин тортиб, у ердаги Тўқай Темурийлар ҳокимиятини тугатиш»га ундадилар, кейин ҳал қилувчи дақиқаларда унга сотқинлик қилиб, Боқий Муҳаммадхон томонига ўтиб кетдилар. Яна бошқа муҳим сабаб ҳам бор эди. Маҳмуд ибн Валининг эътирофича, Боқий Муҳаммадхон ўзбошимчалик билан иш тутган, бунинг устига ўз улусини кенгайтиришга ҳаракат қилган. Масалан, 1601 йилда у Миёнқолнинг энг мустаҳкам қалъаси Дабусияни босиб олди, кейин Қарши билан Кешни қўлга киритди. Бу ҳол катта ҳарбий тўқнашувга сабаб бўлди. Яна ўша Маҳмуд ибн Валининг сўзларига қараганда, Самарқанд яқинидаги Боғи шамол мавзеида бўлиб ўтган бу жангда Бухоро қўшинлари сон жиҳатдан кўп эди. Унга Балхдан ҳам мадад келганди. Масалан, Пирмуҳаммадхоннинг сўл қанотидн Шоххожи нақиб, Шуқурбий сарой ва Сайд Али бошчилигидаги Балхнинг ўн минг кишилиқ қўшини турарди. Шунга қарамай, Боқий Муҳаммадхоннинг кўли баланд келди. Пирмуҳаммадхон ва қўлга тушган унинг барча эътиборли амирлари қатл

¹ Муҳаммадёр ибн араб қатаган ўша асар Б. 185-186

этилди. «Силсилат ус-салотин»да ёзилишича: «Боқий Муҳаммадхон зафар қозониб, Бухорога яқинлашганда катта-кичиккача барча раият унинг истиқболига чиқди ва саодатли уд музаффар хон шаҳарга кирди ва 1601 йилда шохлик ва жаҳондорлик тахтига ўлтирди», Хўжамқулибек Балхий асарида ҳам шу гапларни ўқиймиз. Лекин бунда бошқа сана - 1602 йил кўрсатилади. Жумладан, у бундай ёзади: «Пирмуҳаммадхон ибн Жонибек султон. Абдулмўминхон воқеасидан кейин бухороликлар уни (Пирмуҳаммадни) Балхдан чақиртириб олиб, 1598 йилда хонлик тахтига ўтқиздилар... Боқий Муҳаммад султон Пирмуҳаммадхон қўшинининг қалбига зарба берди. Балхликлар жанг майдонини ташлаб чиқдилар. Узоқ давом этган жангу жадаллардан кейин Пирмуҳаммадхон самарқандликлар қўлига асир бўлиб тушди ва шу ондаёқ шаҳодат шаробини ичди. Бу воқеа 1602 йили содир бўлди. Унинг ҳукмронлик муддати уч йил, саксон йилга яқин умр кўрди. Самарқандда дафн этилди»

Юқорида келтирилган маълумотлардан қуйидаги хулоса чиқариш мумкин. Айрим тадқиқотларга қараганда («Ўзбекистон ССР тарихи», «Самарқанд тарихи», Лэн-Пуль ва Цамбауэр хронология на генеалогия жадваллари) шайбонийлар сулоласи Абдулмўмин вафотидан кейин – 1598 йилда барҳам топган. М. А. Абдураимовнинг таъкидлашича, шайбонийларнинг сўнгги вакили Бухоро хонлиги тахтида «Абдуллахоннинг амакиси кекса Пирмуҳаммадхон бўлган». Лекин унинг қанча ҳукмронлик қилганлигини олим ёзмайди. Кўпчилик тадқиқотчилар (В. В. Вельяминов-Зернов, В. Б. Бартольд, Г. Ховорс, «Тожикистон ССР тарихи», К. Э. Босворт хронология ва генеалогия жадваллари) шайбонийларнинг ҳукмронлик қилган сўнгги вакили дарҳақиқат Пирмуҳаммадхон ибн Сулаймон султон бўлган ва у қисқа вақт ҳукмронлик қилган – шайбонийлар сулоласи 1599 йилда тугади, деб ҳисоблайдилар.

Барча маълумотларни сикчиклаб ўрганиш шуни кўрсатадики, ҳамма муаллифлар бу борада В. В. Вельяминов-Зерновнинг «Қосимовлик подшолар ва шахзодалар тўғрисида тадқиқотлар» китобига, В. В. Вельяминов-Зернов

эса Искандарбек муншийнинг «Тарихи оламоройи Аббосий» ва Муҳаммад Юсуф муншийнинг «Муқимхон тарихи»га таянган.

Б. Аҳмедов В. В. Вельяминов-Зернов кўрган манбалардан ташқари, шайбонийлар ва аштархонийлар саройига яқин бўлган, ёки хон кутубхоналарида хизмат қилган, демак, қўлларида ишончли манбалар бўлган муаррихларнинг асарларини ҳам ўрганди. У кўрган манбалар орасида «Тарихи оламоройи Аббосий» (II жилди, 1616 йилда таълиф этилган), «Баҳр ул-асрор» (1634-1641 йилларда таълиф этилган), «Матлаб ут-толибин» (1663 йилда ёзилган) ва бошқа асарлар бор. Шайбонийлар даври ва аштархонийларнинг ҳокимият тепасига келиш даврини 15-63 йиллик вақт ажратиб туради. Искандарбек мунший асарида кейинроқ ёзилган бўлишга қарамай «Баҳр ул-асрор», айниқса унинг тўртинчи рукни (409 ғана) аштархонийларнинг аждоди Тўқай Темур (XIII асрдан тортиб Бухорода Нодир Муҳаммадхон (1642-1645) нинг ҳокимият тепасига келгунга қадар бўлган тарихига доир энг тўлиқ ва эътиборли манба ҳисобланади. Бу асар расмий сулола тарихларини, воқеаларни кўрган-эшитганларнинг хотиралари асосида ёзилган. Юқорида айтилганидек, В. В. Вельяминов-Зернов асарида шайбонийлар сулоласи 1599 йилда тугади, дейилган. Тадқиқотчи назарига тушмай қолган «Тарихи оламоройи Аббосий» асарида 1599-1600 йил воқеалари орасида 1600 йил 9 мартда Пирмуҳаммади соний элчиларининг Машҳадга, шоҳ Аббоси аввал ҳузуридаги ўз рақиби Муҳаммад Иброҳим султонни сўраб келганлиги тўғрисидаги ҳикоя мавжуд. Демак, 1600 йилда Пирмуҳаммадхон ҳали тахтда ўтирган, «Баҳр ул-асрор» ва «Матлаб-ут-толибин»га, Ўрта Осиёнинг ўзида битилган асарларга келсак, буларда сулолалар алмашинуви йили 1601 йил деб аниқ кўрсатилган.

Ўртага қўйилган масалани ҳал қилишда мазкур манбаларнинг яна учтаси - «Тарихи Қипчоқхоний», «Тарихи касира (ёки «Тарихи Сайд Роқим»)» ва «Силсилат ус-салотин» муҳим ўрин тутади. Бу асарлар муҳокама этилаётган воқеадан юз йилча кейин ёзилган бўлишига қарамай, улар Ўрта Осиёнинг XVI-XVII асрлар тарихини ўрганишда қимматли манбалардир.

Уларда илгариги манбаларда учрамайдаган тафсилотлар мавжуд. Бунинг устига шу вақтгача тадқиқотчиларга номаълум бўлган «Силсилат ус-салотин» аштархонийлар сулоласи вакили қаламига мансуб бўлиб, хронологик ва генеалогик маълумотларга бойдир. «Тарихи касира» ва «Силсилат ус-салотин»да аштархонийларнинг ҳокимият тепасига келган йили 1601 деб аниқ кўрсатилган.

«Тарихи Қипчоқхоний»да, юқорида айтилганидек, кейинги йил - 1602 йил кўрсатилган.

Кўрамизки, аҳамияти нуқтаи назаридан бошқалардан қолишмайдиган кўпчилик манбалар берган маълумотларга кўра шайбонийлар қўлидан ҳокимиятнинг аштархонийларга ўтиш санаси 1598 йил бўлмасдан, 1601 йилдир.

Шундай қилиб 1601 йилда Бухоро хонлигида ҳокимият янги сулола – жонийлар (Жоний Муҳаммадхон номидан) ёки аштархонийлар (келиб чиқиш ўрни бўйича) деган ном олган Тўқай Темурийлар сулоласи қўлига ўтди, Бухоро тахтига ўтирган унинг биринчи ҳукмдори Жони Муҳаммадхон бўлган ва Цамбаурнинг фикрига кўра, 1601 йилда унинг номига танга зарб қилинган.

1.2. Имомқулихон ва Надр Муҳаммад даврида Аштархонийлар давлати

Шайбонийхон вафотидан сўнг унинг давлати бир қанча мустақил хонлик ва беқликларга бўлиниб кетади. Бухоро Абдуллахон қўлига ўтиш арафасида марказлари Самарканд, Бухоро, Тошкент, Кармана ва Балхда жойлашган бешта хонлик мавжуд эди. Бу хонликларнинг, айниқса, Бухоронинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида руҳонийлар таъсири кучли эди. «XVI-XVII асрларда Бухорода руҳоний феодал-лар орасида, - деб ёзади М. Ё. Йўлдошев, - жўйбарий шайхлари алоҳида урин эгаллаганлар. Улар мамлакатнинг сиёсий ҳаётида жуда муҳим роль ўйнаганлар ва кўп вақт-ларда у ёки бу хонларнинг кўтарилиши ва туширилиши шу шайхларнинг хоҳишига

боғлиқ бўлган»¹. Ҳақиқатан ҳам Миёнқол ва Карманалининг ҳошими Искандархоннинг ўғли Абдулла ўзини жўйбарий шайхларнинг бошлиғи Хўжа Исомнинг муриди қилиб кўрсатгандан сўнг, Бухорони эгаллашга (1557) ва отасини Бухоро хони деб эълон қилишга (1561) муваффақ бўлди. Абдуллахон ҳукмронлик қилган даврида (1557-1599) Бухоро хонлиги – Мовароуннаҳр, Дашти Қипчоқ, Хоразм, Балх, Бадахшон, ҳатто Хуросон ўлка-ларини ўзига бўйсундирган эди. Умуман, Абдуллахон сиёсий жиҳатдан кучли, марказлашган давлат тузишга уринди.

Абдуллахон даврида кучли қурол воситаси билан осойишталик ўрнатилган вилоятларда унинг вафотидан сўнг тартибсизликлар авж олди. Бунинг натижасида Бухоро тахтининг ягона вориси Абдулмўмин салтанат эгаси бўлганидак кўп ўтмай душман кучлар томонидан ўлдирилди. Абдулмўминнинг ўлдирилиши шайбонийлар сулоласининг батамом инқирозга юз тутганлигидан дарак берар эди. Чунки қарийб бир аср давом этган ўзаро феодал курашлар натижасида шайбонийлар сулоласи қирилиб битган эди. Шуниинг учун Бухоронинг амирлари ва бойлари ўзаро маслаҳатлашиб тахтга ота-боболари Аштрахон (Астрахань)да хон бўлиб келган Дин Муҳаммад номли кишини ўтказмоқчи бўладилар.

Аштрахоннинг Россия империяси составига кўшилиши кўпгина аштрахонлик маисабдорларни Бухорога кўчиб кетилишга, мажбур этган эди. Дин Муҳаммад Бухорога кела туриб йўлда вафот этади, тахт унинг укаси Боқи Муҳаммадга топширилади (1599). Шундай қилиб, Бухорода янги – Аштархонийлар сулоласига асос солинади. Бу сулола то 1747 йилгача ҳукмронлик қилади.

Аштархонийлардан Имомқулихон (1611-1642), Абдулазизхон (1645-1680), Субхонқулихонлар (1680-1702) Бухоронинг сиёсий бирлигини сақлаб қолиш учун кўп ҳаракат қиладилар. Аммо халқ кўзғолонлари ва феодал, ички курашлар зарбаси остида хонлик, айниқса, Убайдуллахон (1702-1711) ва

¹ М. Ю. Юлдашев. Новые данные о хозяйстве джуйберских шейхов, «Общественные науки в Узбекистане», 1963, № 5, стр. 37

Абдулфайзхонлар (171-1747) ҳукмронлиги даврида заифлашиб қолган эди. Бу ҳол Бухорони Эрон шоҳи Нодиршоҳ томонидан осонгина истило қилинишига қулайлик туғдиради (1740).

Балх ва унга тобе бўлган, Қундуз, Жузгун (Файзобод), Шибирғон ва ҳозирги Афғонистоннинг шимолий вилоятлари Аштархонийлар қўли остида бўлиб, Балх одатда валиаҳд томонидан идора қилинарди. Чунки Балх вилояти бир томондан, Мўғуллар империяси ва иккинчи томондан, Эрон билан чегарадош бўлиб, катта ҳарбий стратегик аҳамиятга эга эди. Амударёнинг ўнг томонидан Термиз, Кулоб ва Қободиён вилоятлари ҳам маъмурий жиҳатдан Балхга тобе эди. Проф. А. А. Семеновнинг фикрича, Помир Бухорога бўйсунмаган, Бадахшон эса гарчи Бухоро хонлигига тобе дейилса ҳам, лекин кўп вақтларгача ярим мустақиллигини сақлаб қолган.

Шундай қилиб, Аштархонийлар давлатининг чегараси Фарғона водийсида Узган шаҳригача, шимолда Талас водийси ва Туркистон шаҳригача, жанубда эса Чоржўй вилояти ва унинг Марв районига қадар бўлган ерларни ўз ичига олиб, ғарбда Хива хони ерлари билан туташган.

XVI асрнинг иккинчи ярми ва XVIII асрда Мовароун-наҳрда феодал тузуми ҳукмрон эди. Мамлакатнинг асосий бойлиги деҳқончиликдан келадиган даромад бўлиб, деҳқон-чиликка яроқли ерларнинг катта қисми феодал ва руҳонийлар қўлида эди. Бу ерлар уларга хон томонидан «суюрғол» ёки «танҳо» йўли билан инъом қилинарди.

Биз юқорида Абдуллахон билан Хўжа Ислон (Шайхул-ислом) ўртасидаги муносабатлар ҳақида бир оз тўхтаб ўт-дик. Хўжа Ислон ва унинг ворислари XVI-XVIII асрларда энг катта ер эгаси бўлиб келдилар. Хўжа Ислонга қараш-ли энг ҳосилдор, суғориладиган ерлар 300 жуфт қўш, яъни 15000 таноб ёки 2500 гектардан ортар эди. Хўжа Ислоннинг вориси Хўжа Саъд ҳар турли йўллар билан ўз ерларини 70 минг таноб (12 минг гектар) га етказган.

Суюрғол ва танҳо асосида инъом қилинадиган ерлар баъзан шу даражада катталашиб кетган эдики, ҳатто бутун бир вилоят ҳам инъом қилинарни.

Манбалардаги маълумотларга кўра, XVI-XVIII асрларда Бухоро хонлигида инъом қилиш асосида йирик ер эгаликлари пайдо бўлади. Феодаллар томонидан майда мулк-ларни сотиб олиш ва шариатни пеш қилиб деҳқонларнинг ерларини зўрлик билан тортиб олиш йўли билан ҳам катта ер эгаликлари юзага келади. Масалан, жўйбарий шайхлар хўжалигига оид ҳужжатларда Хўжа Ислон томонидан 200 дан ортиқ ер-сув сотиб олинганлиги ҳақида маълумот бор.

Демак, мамлакатдаги асосий суғориладиган ерларнинг йирик ер эгалари қўлига ўтиши ва ерсиз деҳқонлар сони-нинг ортиб бориши, феодал эксплуатациясининг кучайган-лигидан, халқнинг иқтисодий аҳволи оғирлашганлигидан далолат беради.

XVI-XVIII асрларда Бухоро хонлигида ҳунармандчиликнинг турли соҳалари, айниқса, тўқимачилик, қурол-яроғ ишлаб чиқариш, кўнчилик, бўёқчилик, қоғоз тайёрлаш ва бошқалар ривожланган эди.

Ҳунармандчиликнинг ривожланиши ички ва ташқи сав-донинг ўсишига сабаб бўлди. Давлатга қарашли ерлар (ҳолиса)нинг жуда кўп қисми суюрғол на танҳо йўли билан феодал ва руҳонийларга инъом қилиниши натижасида ер сслиғидан давлат хазинасига тушадиған даромад камайиб кетади. Бу оғир иқтисодий аҳволдан қутулиш учун ҳунар-мандлар ва савдогарлардан олинадиган солиқларни оши-ришга ҳаракат қилинган. Шунинг учун ҳунармандчилик ҳамда ички ва ташқи савдони ривожлантиришдан марка-зий давлат манфаатдор эди. йирик ер эгалари – феодал ва руҳонийлар ҳам савдо билан шуғулланардилар. Чет эллардан келадиган савдогарлар подшоликка ва шунингдек, Хўжа Саъдга қарашли Гавкушон карвон саройида тўхташлари ҳам мумкин эди.

Бухоро хонлигида деҳқонлар ва ҳунармандларнинг аҳволи оғир эди. Давлат томонидан белгиланган хирож ва закотдан ташқари халқдан хон

саройи, феодал ва руҳо-нийлар учун бир неча хил солиқ ва жарималар олинарди. Натижада халқ қўзғолоилари тез-тез кўтарилиб турарди. Умуман, XVI-XVIII асрларда Бухоро хонлигида ички феодал тартибсизликлар авж олган эди.

Имомқулихон тахтга ўтиргач, ўғли Искандарни Тошкент ҳокими қилиб тайинлайди. Тез орада Искандар зулмига Қарши тошкентликлар қўзғолон кўтарадилар ва Искандар ўлдирилади. Бу воқеадан хабар топган Имомқулихон Балх ҳокими – укаси Надр Муҳаммадхон билан биргаликда Тошкентга юриш қилиб, қўзғолонни шафқатсизлик билан бостиради (1613), сўнг Бухорога қайтиб келиб, Ҳиндистон Шоҳи Жаҳонгир (1605-1627) ҳузурига элчилар юборади. Элчилар Ҳиндистонга қимматбаҳо совға ва тухфалар билан Лорадилар. Мўғуллар императори улар билан яхши муносабатда бўлган.

Р. Ч. Варманинг ёзишича, Бухоро элчилари Имомқулихоннинг Жаҳонгир номига ёзган мактубини келтирганлар Ва бу мактубда Бухоро хони марҳум Абдуллахон ва Акбар д;жрларида Бухоро ҳамда Ҳиндистон ўртасида бир диний мпзҳабда бўлиш асосида ўзаро иттифоқ тузилганлиги ва бу Илгпфоқ натижасида Хуросон ҳамда Эроннинг кўп жойлари Бухоро ва Ҳиндистон томонидан босиб олинганлиги қайд қилиб ўтилган.

«Тарихи Муқимхоний» муаллифининг кўрсатишича, «орадан бир неча вақт ўтгач, Жаҳонгир подшоҳ Ҳаким Ҳозиқни элчилик расми билан олий мақом хон (Имомқулихон) ҳузурига юборади»¹. Асарда кўрсатилишича, Ҳаким Ҳозиқ элчилиги Бухородан жўнаб кетганидан бир йил кейин Жа-ҳонгир вафот этган. Агар биз Ҳаким Ҳозиқ элчилигини Бухорода бир йил турган деб фараз қилсак, (Жаҳонгиршоҳ 1627 йили вафот этган) у ҳолда ҳинд элчилари Бухорога 1624-1625 йиллари, демак, Имомқулихон элчисидан ўн йил кейин келган бўлади.

¹ Мухаммед Юсуф Мунши Муқимханская история перевод с тадж. Проф. А.А. Семенова - Т.: Фан. 1956. с. 88.

Лекин, Ҳиндистон билан Бухоро ўртасидаги сиёсий муносабатлар бундай узоқ вақт узилиб қолмаган. Манбаларнинг кўрсатишича, Ҳаким Ҳозиқ элчилигидан аввал Ҳиндистондан Бухорога Бирка элчилиги келган ва улар Бухорода бир неча йил турганларидан сўнг, ватанларига қайтганлар.

Шундан кейин Бухородан Ҳиндистонга Хўжа Абдурахим бошчилигида элчилар юборилади.

Хўжа Абдурахим Хўжа Исом Жўйборийнинг набираларидан бўлиб, Хўжа Саъднинг ўртанча ўғли эди. Хўжа Саъд ўз вафоти олдида (23 октябрь 1589) васият қилиб, ўзининг барча асосий бойлиги – ер-мулки ва 18 минг олтин ашрафий маблағини катта ўғли Хўжа Тожиддинга мерос қилиб беради. Хўжа Абдурахимга эса 4 минг ашрафий тегади, холос¹.

Имомқулихон тахтга ўлтириши билан Хўжа Абдурахимнинг эътибори тобора кучсизлана боради ва ҳатто бизга номаълум сабабларга кура, Хўжа Абдурахим ҳаж қилиш ниқоби остида Бухорони ташлаб кетишга мажбур бўлган.

Хўжа Абдурахим Исфaxonга етганда йўлда бетоб бўлиб қолиб яна Бухорога қайтиб келади. Лекин у орадан кўп вақт ўтмай Ҳиндистон сафарига отланади.

«Матлабут-толибин» асардаги маълумотларга кўра, Хўжа Абдурахимнинг Ҳиндистонга боришига қуйидаги воқеа сабаб бўлган. Ҳиндистонда Шоҳ Салим (Жаҳонгиршоҳ) билан унинг ўғли Шоҳ Ҳуррам ўртасида кучли келишмовчи-ликлар пайдо бўлгани тўғрисидаги хабар Бухорога ҳам етиб келади. Кунларнинг бирида Хўжа Абдурахим Имомқулихонга шу ҳақда гап очиб, ота-болани яраштириб қўйиш кераклигини айтганда, Имомқулихон Хўжага қараб: бу – сизлар (яъни жўйбарий шайхлар)нинг ишингиз, ота-боболарингиз-дан тортиб шу хил юмуш билан шуғулланиб келмоқдасизлар, деб жавоб қайтарган. Бу воқеадан сўнг Хўжа Абдурахим Ҳиндистон сафарига тараддуд кўрган. Хўжа

¹ И. П. Иванов. Хозяйство джуйберских шейхов - М. – Л., 1954, стр. 67.

Абдурахим қимматбаҳо буюмлар - тулки ва кундуз терисидан тикилган пўстинлар, балиқ тиши, бир қанча тезюрар от ва туялар, яхши зийнат бериб ёзилган китоб ва риқъалар ҳамда бошқа совға-саломлар билан йўлга тушади. Хўжа Абдурахимга бир қанча мулозимлар билан бирга катта ўғли Му-ҳаммад Сиддиқхўжа ҳамроҳлик қилади.

Чегарадан ўтиши биланок ҳинд подшосининг буйруғи билан Хўжа Абдурахим ва унинг мулозимлари учун кунига Минг рупия «қўналғалик» ажратилади. Вилоят ҳокимлари уларга тухфа ва совғалар инъом қиладилар, Кобил вилоятининг ҳокими Зафархон Хўжа Абдурахимни Лоҳур Шаҳригача кузатиб боради. Хўжа Абдурахим Лоҳур шаҳрига яқинлашганда унинг истиқболига Абдуллахон даврида Машҳад ҳокими лавозимида хизмат қилган Баҳодирхон ўзбек, Хўжа Абдул Ҳасан девон, Ибодатхон баҳши чиқадилар. Хўжа Абдурахим келган куниёқ Жаҳонгиршоҳ томонидан тантанали равишда қабул қилинади ва катта ҳурмат сифатида унга тахтга яқин ўтиришга рухсат этилади. Қабул маросимида Жаҳонгиршоҳ Абдурахимга 50 минг рупия инъом этади, Хўжа Абдурахим бир қанча кун давомида тилла ва нуқра идишларга солинган хилма-хил таомлар билан меҳмон қилинади.

Ҳинд тарихчиси Банарси Прасад Саксенанинг фикрича, Ҳиндистонга элчилик вазифаси билан келган Хўжа Абдурахим Бухоро хонининг Хуросонни Ҳиндистон ва Бухоро ўртасида бўлиб олиш ҳақидагй таклифини ҳам баён қилган ва Жаҳонгиршоҳнинг вафоти муносабати билан бу таклиф амалга ошмай қолган¹.

Демак, Б. П. Саксенанинг маълумотларига кўра, Хўжа Абдурахим Бухоро хонининг Ҳиндистонга юборган расмий элчиси. Шундай бўлиши ҳам мумкин. Чунки Жаҳонгирнинг ўғли Шоҳ Жаҳон (Шоҳ Ҳуррам) ва бошқаларнинг тинимсиз қўзғолонлари орқасида Ҳиндистоннинг кучсизланиб бораётганини сезган. Имомқулихон бу қулай вазиятдан фойдаланиб, ўзини Ҳиндистоннинг ички ишларига ҳам аралаша оладиган улуг ҳоқон қилиб кўрсатишга ҳаракат қилган бўлиши мумкин. Хўжа Абдурахим учун ҳам ҳинд

¹ И. Низомиддинов XVI –XVIII асрларда Ўрта Осиё-Ҳиндистон муносабатлари Т.:Фан 1966. Б.47

шоҳи ҳузурига оддий шайх эмас, балки давлат элчиси сифатида келиш қулай ва фондали эди.

Шунингдек, «Тузуки Жаҳонгирий» муаллифи ўз асарида Хўжа Абдурахим Имомқулихоннинг Жаҳонгиршоҳ номига ёзилган мактубини келтирган, деб ёзади. Аммо, «Тузуки Жаҳонгирий»да ҳамда Хўжа Абдурахимнинг Ҳиндистонга қилган саёҳатини батафсил ҳикоя қилувчи «Матлабут-толибин»да (шунингдек, бошқа асарларда) ҳам бу мактуб ёки унинг қисқача мазмуни ҳақида ҳеч қандай маълумот учрамайди.

Ҳақиқатан Шоҳ Жаҳоннинг уч йилдан ортиқ давом этган қўзғолони Мўғуллар империясининг иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан заифла-нишига олиб келган. Жаҳонгирнинг таъбирича, «Шоҳ Жаҳоннинг қўзғолонлари унинг ўз (келажакдаги) давлатининг асосига болта урган эди»

Хўжа Абдурахим ўзига юклатилган вазифани адо этмаса, унинг Имомқулихон олдида эътиборсиз бўлиб қолажаги киноя қилинади. Хужжатдан кўриниб турибдики, Хўжа Абдурахимга воқеанавислик вазифаси ҳам юклатилган.

Демак, биринчидан, Хўжа Абдурахим Ҳиндистонга ўз хоҳиши билан кетмаган, аксинча, унга нисбатан Имомқулихон муносабатининг совуқ бўлганлиги орқасида чет ўлкаларга киқиб кетишга мажбур бўлган (эҳтимол, шу вақтларда жўйбарий шайхларнинг каттаси, асосий меросхўр Тожиддин узига рақиблик қилиши мумкин бўлган укалари – Хўжа Абдурахим ва Абдихўжалардан қутулиш мақсадида ўз таъсиридаги хон Имомқулини шундай қилишга даъват этгандир) ва иккинчидан, Имомқулихон Хўжа Абдурахимнинг Ҳиндистон сафаридан подшолик ишларида ҳам фойдаланган.

Тарихий асарларда Имомқулихоннинг онаси ва Жаҳонгиршоҳнинг хотини Нуржаҳонбегим ҳам (ўз вакиллари орқали) бир-бирларига дўстона Мактублар ва қимматбаҳо тухфа қамда ҳадялар юбориб турганликларп .ҳақида маълумотлар бор.

Шундай қилиб, Ҳаким Ҳозик элчилигига қадар Ҳиндистондан Бухорога Бирка ва Нуржаҳонбегимнинг (Хўжа-Насриддин Кобулий) элчилари келган бўлса, Бухородан Ҳиндистонга Хўжа Абдурахим ва Имомқулихон онасининг элчилари борган.

Энди «Тарихи Муқимхоний»да йўл қўйилган хронологик чалкашлик' ҳақида тўхтаб ўтамиз. Маълумки, бу асарда Ҳаким Ҳозик элчилиги Жаҳонгиршоҳ томонидан юборилган элчиликдир, деб ёзилган. Аммо «Матлабут-толибин» асаридаги воқеаларнинг тавсифи Ҳаким Ҳозик Шох Жаҳон томонидан юборилган элчи эканлигини аниқлаб беради. Асарда ҳикоя қилинишича, Хўжа Абдурахим Ҳиндистонга боргандан сўнг бир қанча вақт ўтгач, Жаҳонгиршоҳ Кашмир шлоятига сайр қилиш учун жўнайди ва Хўжа Абдурахимни ҳам ўзи билан бирга олиб кетади. Кашмирда аввал Жаҳонгиршоҳ ва сўнг кўп вақт ўтмай Хўжа Абдурахим (1037-1627) вафот этадилар. Хўжа Абдурахимни Чаҳор-богда (Кашмир) дафн этадилар. Кейинчалик Хўжа Абдурахимнинг ўғли Муҳаммад Сиддиқхўжа отасининг жасади-и и Ҳаким Ҳозик бошлиқ элчилик ҳамроҳлигида Бухорога олиб келиб дафн эттиради, дафн маросимида Имомқулихон ҳам қатнашади. Ҳаким Ҳозик элчилиги Жаҳонгиршоҳ даврида эмас, балки унинг вафотидан сўнг Шох Жаҳон то-монидан (салтанат эгаси бўлгандан кейинги биринчи йили) юборилган элчилик экани Шох Жаҳон даврига бағишланган махсус тарихий асар «Миротул олам»да ҳам аниқ айтилган ва бу асарда Шох Жаҳоннинг Имомқулихон номига ёзилган мактубининг дўстлик ҳақида зикр этувчи ва Имомқулихон шахсиятини улуғловчи дебодаси ҳам келтирилган, Ҳаким Ҳозик бошчилигидаги ҳинд элчилари Бухорога 1628 йилда келган, чунки «Миротул олам»да Ҳаким Ҳозик элчилиги Ҳиндистондан жўнаб кетгандан сўнг (12 ражаб 1037 – 14 март 1628) наврўз байрами нишонлангани қайд қилинган.

Имомқулихон олти ой давомида ҳинд элчисини қабул қилмайди. Ҳаким Ҳозик норозилик баён қилиб, бу ҳақда Бухоро амирларига шикоят қилади.

Сўнг Нодир Девонбеги Имомқулихонга ҳинд элчисини қабул қилиш ҳақида сўзлаганда, хон, агар элчини қабул қилсак, у ҳолда элчи келтирган тортиқларни ҳам олишга тўғри келади биз эса илтифотларга мўхтож эмасмиз, деб жавоб беради. Ниҳоят, Имомқулихон овдан қайтиб келаётган вақтида ҳинд элчисининг йўл устида хонга кўриниши мумкинлигини айтади.

Хонга кўриниш шу тариқа ўтади: Ҳаким Ҳозиқ ўзи келтирган буюмларни йўл устида кўзга кўринарли жойга ясашиб қўяди, аммо Имомқулихон гўё уларга зор эмасдек, бу тортиқларни назар-писанд қилмагандек, тухфаларга бир қиё боқиб, сўнгра Раҳим парвоначига қараб: «Буларни сенга бердим», дейди.

Бу воқеадан хайратда қолган элчи дарҳол бир қилични яшириб қолишга улгуради. Эртаси куни Имомқулихон ҳинд элчисини расмий суратда қабул қилади. Ҳаким Ҳозиқ тахт ёнига яқинлашиб, Имомқулихонга ҳинд подшоҳининг хатини беради ва элчиларга хос одоб билан хонга қараб: «Марҳум Акбар подшоҳдан унинг икки хусусий қиличи қолган эди. Бирини ҳоким Жаҳонгирнинг ўзи олди, иккинчисини марҳум ҳоким Акбарга нисбатан ўғилларча муносабатда бўлсин деган сўзлар билан бизлардан ўз туғишгани Имомқулихонга бериб юборди», деб қилични узатади.

Имомқулихон қилични олиб тортса, у ҳа деганда қинидан чиқавермайди. Шунда Имомқулихон - «негадир сизнинг қиличингиз қинидан чиқмайди» деб, Шох Жаҳон Бадахшонни олиш ниятида Кобилга келибди, деган мазмундаги Бухорода тарқалган гапга ишора қилади. Элчи эса «ҳоким бу қилич тинчлик ифодасидир, шунинг учун дарҳол ўз қиндан чиқавермайди, агар у уруш қиличи бўлганда эди, у вақтда ишонтириб айтаманки, шу ондаёқ ўз қинидан чиқариб олинган бўлар эди», деб жавоб қайтаради. Имомқулихон бу жавобдан мамнун бўлиб, ҳинд элчисига ишончи ортиб, у билан тез-тез учрашиб турадиган бўлади. Баъзан давлатга тегишли ишлар юзасидан ҳам маслаҳатлашади¹.

¹ Мухаммед Юсуф Мунши Муқимханская история перевод с тадж. Проф. А.А. Семенова - Т.: Фан. 1956. с. 89-90.

Ҳаким Ҳозик ўз замонасининг буюк кишиси – ёрқин ақл эгаси, олим, шоир ва табиб» эди. Кунларнинг бирида, сарой шоирларидан Мавлоно Туробий ва Наҳлий ўзларининг янги ёзган шеърлари Имомқулихонга ўқиб берадилар. Ҳаким Ҳозик ҳам бу йиғилишга таклиф қилинган эди. Шоирлар ўз шеърларини ўқиб бўлгач. Имомқулихон Ҳаким Ҳозикқа қараб - «бу ажойиб мукур маъноли ва гўзал, латофатли шеърлардан қайси бири устун туради», - деб сўрайди. Ҳаким Ҳозик эса сўз ўйини воситаси билан, «ҳокон, хурмо дарахти ердан ўсиб чиқади», деб лўнда жавоб беради («Наҳлий» сўзи араб тилида хурмо дарахтини, «Туроб» сўзи эса тупроқ – ер маъносини англатади! Ҳаким Ҳозик Туробий шеърини Наҳлий шеърига қараганда мазмунан кучли ва шаклан гўзал демоқчи бўлади. Бу ҳозиржавоблик ва ақллилик Ҳаким Ҳозикқа бўлган эҳтиромни янада кучайтиради.

Шоҳ Жаҳон салтанат эгаси бўлганда, империя иқтисодий ва снёсий жиҳатдан кучсизланиб қолган эди. Шоҳ Жаҳон олдида тарқалиб кетиш хавфи туғилаётган империяни сақлаб қолиш, Деканни бўйсундириш ва Қандаҳорни қайта Ҳиндистонга қўшиб олиш масаласи турар эди. Шоҳ Аббос тўсатдан Қандаҳорни қамал қилади. Жаҳонгиршоҳ эронликларга қарши курашни ўғли Шоҳ Жаҳонга топширади, Аммо Шоҳ Жаҳон Ҳиндистондан узоқлашишпи хохламай, Қандаҳорга боришдан бош тортади ва тез кунда отаси Жаҳонгиршоҳга қарши кўзғолон кўтаради. Қандаҳор эса Эронга қўшиб олинади.

Балх ҳокими Надр Муҳаммадхон Ҳиндистондаги ички зиддиятлардан фойдаланишга ҳаракат қилади. У Жаҳонгиршоҳ вафотини эшитгач, Кобилга хужум бошлаб, шаҳарни бир қанча вақт қамал қилиб туради; фақат Муҳаббатхон бошчилигидаги ҳинд қўшинлари Кобилда мўғуллар давлатини тиклашга муваффақ бўлади. Шоҳ Жаҳон ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш йўлида урушда талафот курган кобилликларга хазинадан бир лак рупий маблағ ҳам ажратади.

Мўғуллар империясидаги ички аҳволнинг ниҳоятда мушкуллашганлиги, Эрон билан муносабатнинг кескинлашиши ва Кобулдаги

воқеалар Шоҳ Жаҳонга Имомқулихон давлати билан дўстона муносабатда бўлишни тақозо қиларди. Шунга кўра, ҳинд элчилигининг катта совғалар олиб ке-лиши ва элчиликка бошчилик қилиш вазифаси ўз даврининг донишманди Ҳаким Ҳозиқ зиммасига юклатилиши бежиз эмас эди.

Юқоридаги сабабларга биноан Шоҳ Жаҳон дазлати кўп йиллар давомида Бухоро хонлиги билан яхши қўшничилик муносабатида булади. Шоҳ Жаҳон Балх ҳокими билан ҳам алоқани узмайди, Надр Муҳаммадхоннинг Кобилга қилган юришлаига гўё аҳамият бермаган бўлиб, 1632 йили Ҳиндистонга келган Балх элчиси Ваққос Хожига катта илтифотлар қилди, элчига келтирган 15 минг рупиялик совға-саломлари эвазига 40 минг рупиялик тухфалар берилади. Келаси йили Ваққос Хожи элчилигига жавобан Балхга Тарбиятхон бошлиқ ҳинд элчилиги юборилади. Шу тариқа то 1639 йилгача Балх билан Агра орасида элчилар қатнаб туради.

1636 йили Шоҳ Жаҳон 50 минг армия билан Деканга юриш қилади. Катта вилоятлардан Голконда ва Бижопурни империяга бўйсундириб, Аҳмаднагаргача бўлган ҳудудни ишғол қилади. Учинчи ўғли Аврангзебни Деканга ноиб қилиб тайинлаб, ўзи марказга қайтиб келади. 1629 йилда Шоҳ Аббос вафот этади, Эрон тахтига Шоҳ Сефи ўтиради (1629-1642). Шоҳ Сефи даврида Эрон ички феодал курашлар ва айниқса, Туркиянинг Эронга қарши тўхтовсиз ҳужумлари натижасида ўз қудратини йўқотган эди. Туркия билан жанглар давом этиб турган вақтда Шоҳ Жаҳон Қандаҳор ҳокимига мўғуллар саройида катта лаво-зим ваъда қилиб, 1638 йили Қандаҳорни Ҳиндистонга қўшиб олади ва Эрон – Туркия сулҳи тузилгунига қадар ҳиндлар Қандаҳорда ўз мавқеларини мустаҳкамлаб оладилар.

1639 йили Шоҳ Жаҳон Кобилга келади. Бу вақтда 50 минг кишилиқ ҳинд қўшинлари Навшаҳрда тайёр турарди. Бу воқеа Балх ҳокими Надр Муҳаммадхонни қаттиқ чўчитади. Чунки Шоҳ Жаҳон Надр Муҳаммадхоннинг Кобилга қилган юришлари учун қасос олгани келган, деб ўйлаш мумкин эди. Надр Муҳаммадхон Шоҳ Жаҳоннинг Кобилга келгани ва унинг режалари ҳақида Имомқулихонга хабар қилиб, Бухоро хонини тезда

Балхга ёрдамга етиб келишини сўрайди. Вазиятнинг ҳақиқатан ҳам мушкуллигини билган Имомқулихон зудлик билан Балхга келади ва бу ерда Шох Жаҳонга Имомқулихон ва Балх ҳокими номидан мактуб битилиб, элчи Мансурхўжа додхоҳ орқали Кобилга юборилади. Мактуб қуйидаги мазмунда ёзилган эди: «Қадим замонлардан бери бизнинг ота-боболаримиз ўртасида аҳду паймон қилиниб, ҳеч бир томон ханузгача зарар ва безовталиққа сабабчи бўлмаган эди. биз, икки ака-ука сизга қарши чиқа оламиз ва кўрамиз – мурод ҳосил этувчи (тангри) кимнинг муродини бераркин»¹.

Мансурхўжа додхоҳга эса агар Шох Жаҳон Кобилдан қайтишга розилиқ билдирса, уни уч манзил масофагача кузатиб бориш, акс ҳолда тезлик билан киши юбориб хабар қилиш вазифаси топширилади.

Бухоро хони ва Балх ҳокимининг ҳамжиҳатликда курган тадбирлари Шох Жаҳонга ўз таъсирини кўрсатган бўлса керак, «Тарихи Муқимхоний» муаллифининг ёзишича, Шох Жаҳон Бухоро элчисига, агар унинг Кобилга келиши Бухоро хонини ташвишлантирган бўлса шу куниёқ Ҳиндистонга қайтиб кетишга буйруқ беражагини айтган.

Шу воқеадан сўнг Имомқулихон даврида Бухоро ва Ҳиндистон ўртасида элчилар юбориш тўхтатилган. Бу ерда фақат шуни эслатиб ўтиш керакки, Имомқулихон умрининг сўнгги вақтларида кўр бўлиб қолиб, тахтни укаси Надр Му-ҳаммадга топшириб ўзи Маккага кетади, «Миротул-олам»да ёзилишича, Шох Жаҳон ўз вакили Мир Иброҳимдан Имомқулихонга бир лак рупия пул ҳадя юборади. Аммо Мир Иброҳим Маккага етиб борганга қадар Имомқулихон вафот этганлиги туфайли, Мир Иброҳим бу пулга марварид (40 минг рупияга) ва зотли отлар сотиб олиб гни келтириб шоҳга топширган.

Имомқулихон хонлиги даврида Бухоро – Ҳиндистон муносабатлари умуман дўстона тарзда бўлса ҳам, бу мамлакатлар феодал давлатларига хос зиддиятлардан холи эмас эдилар. Шох Жаҳон давлатининг кучсизланган

¹ Мухаммед Юсуф Мунши Муқимханская история перевод с тадж. Проф. А.А. Семенова - Т.: Фан. 1956. с. 89-90.

йиллари, Надр Муҳаммадхоянинг Кобилга қилган ҳужуми ва Шох Жаҳоннинг таҳдиди мазкур фикримизнинг далили бўла олади.

II боб. Субҳонқулихон даврида Аштархонийлар давлати

2.1. Субҳонқулихон Балх ҳокими сифатида

Надр Муҳаммаднинг (1642-1645) ҳукмронлиги узоқ вақт давом этмади. У Қарши вилоятида бўлган вақтида бир қанча амир ва амалдорлар унинг катта ўғли Абдулазизни Хўжандда хон деб эълон қиладилар. Вазиятнинг ниҳоятда мушкуллигини тушунган Надр Муҳаммадхон Бухорога бормай, Балхга қочади. Ўғиллари унинг буйруқ ва амирларига бўйсунмай қўяди. Шундан сўнг Надр муҳаммад ўғилларига курашда Шох Жаҳондан ёрдам сўрашга мажбур бўлади. Шох Жаҳон эса Надр Муҳаммадхоннинг Кобилга қилган ҳужумлари сабабли ундан қасос олиш ва шунинг билан бирга, Балхни ўз империясига қўшиб олиш учун қулай фурсат келди деб, дарҳол «ёрдам» беришга розилик билдиради ва ўғли Султон Мурод бахши бошчалигида катта қўшин юборади¹. Орадан куп вақт ўтмай ҳинд қўшинлари Балхни ҳам ишғол қиладилар. Надр Муҳаммадхон эса Эронга қочади. Эрон шоҳи Аббос II (1642-1667) Надр Муҳаммадхонни яхши қабул қилади. Ҳатто уни Бухоро тахтини қайта эгаллашга даъват қилиб, бу ишда катта қўшин билан ёрдам беришга тайёр эканини айтади. Аммо Надр Муҳаммадхон Эрон қўшинлари билан Бухорога бостириб киришни маъқул кўрмай, Аббос II таклифни қабул қилмайди. Надр Муҳаммадхон Эронда узоқ вақт (икки ярим йил) туриб қолади, Балх эса ҳали ҳам ҳиндлар қўлида эди. 1645 йили Шох Жаҳон шаҳзода Муродни Балхдан чақиртириб олиб, Балхга юборилган ҳинд қўшинлари устидан раҳбарликни ҳарбий ишларда ном чиқарган кичик ўғли Аврангзебга топширади.

Бухоро хони Абдулазизхон катта куч тўплаб, Балхни ҳинд қўшинларидан озод қилишга отланади. Абдулазизхонга қозоқ хони Янгир ва

¹ Муҳаммед Юсуф Мунши Муқимханская история перевод с тадж. Проф. А.А. Семенова - Т.: Фан. 1956. с. 97.

Хоразм хони Абдулғози ёрдамга келади. Хоразмликлар уч минг кишилик қўшин юборадилар¹. Тўрт ой давом этган уруш натижасида ҳинд қўшинлари чекинишга мажбур бўлади.

Ҳиндлар Балхни ташлаб кетгач, Абдулазизхон ҳам ўз қўшини билан Бухорога қайтади ва укаси Субхонқулини Балх ҳокими қилиб тайинлайди.

Ҳинд қўшинларининг чекинишидан аввал Шоҳ Жаҳон Балх ҳокимлигини Надр Муҳаммадга топширишни афзал кўриб, уни Балхга чақиртирган эди. Субхонқули Балхга қайтиб келган отаси Надр Муҳаммадхон билан тўқнашиб уни енгади ва Надр Муҳаммадхон ҳокимликдан умидини узиб, Маккага кетади.

Ҳинд аскарларининг Балхни ташлаб чиқиб кетишига. Ҳиндистонда юз бераётган ички воқеалар сабаб бўлган. XVII асрнинг 40-йилларидан бошлаб Шоҳ Жаҳоннинг ўғиллари ва улар атрофидаги турли гуруҳлар ўртасида тахт учун кураш кучайиб кетади, иккинчи томондан, кўпгина рожалик-лар ўз мустақилликлари учун тинмай кураш олиб борарди-лар. Отасига қарши қаратилган ўзбошимча ҳаракатлари учун Аврангзеб Декан ноиблиги лавозимидан бўшатилиб, Балхга жўнатишган эди.

Шоҳ Жаҳон давлати билан муносабатлар кескинлашган даврда Бухоро билан Эрон ўртасида ўзаро яқинлашиш пайдо бўлади.

Эрон территорияси орқали Бухорога келган рус элчиси Анисим Грибовнинг берган маълумотига қараганда, 1647 йилнинг декабрида (А. Грибов Исфahонда турган вақтида) Бухородан Эронга Абдулазизхон элчиси Асан қўшбоши (Ҳасан Қушбеги - И. Н.) келади. Бухоро элчиси ўзи билан бирга бир сандиқ тўла олтин, 70 туяда ҳар хил мўйна ва бошқа хил моллардан совғалар келтирган. Бу совғаларни икки мингга яқин киши олиб келган.

Анисим Грибов Эрон давлати аҳлларида Бухоро элчисининг нима мақсад ва вазифалар билан келганлиги ҳақида сўраганида, улар бу элчиликнинг махфий характердаги эл-чилик эканини, яъни элчилар ҳиндлар

¹ Русско- индийские отношения В XVII в.. М., 1958 с. 87

билан курашда Эрон шоҳи Аббос II нинг Надр Муҳаммадхонга ёрдам бергани учун Абдулазизхоннинг Эрон давлати билан дўстона муносабатда бўлишга аҳд қилгани ва ҳиндлар босиб олган Қан-дахор шаҳрининг эронликлар томонидан қайтариб олиниши-да Эрон шоҳига ёрдам беришга тайёр эканини баён қилганлар. Бу орада Эрондан ҳам Бухорога элчи юборилиб, унга Эроннинг Бухоро билан дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш тарафдори экани, Шоҳ Жаҳон давлатига қарши курашда Бухоро билан бир иттифокда ҳаракат қилишга рози-лик билдириш вазифаси топширилади. Қандаҳорни қайтариб олишда Бухоро ёрдамига таянган Эрон давлати бир йил илгари Ҳиндистондан келган элчини Эрон территориясидан чиқариб юборади ва Шоҳ Жаҳондан Қандаҳорни қайтариб беришни талаб қилади.

1648 йилнинг март ойида Бухородан Эронга яна элчи келиб, у Қандаҳор ва ҳиндлар қўлидаги баъзи ерларни босиб олишда Эронга Бухоро амирлигининг ҳарбий ёрдам беришга тайёр эканлигини билдиради. 1648 йил 13 мартда Эрон шоҳи Бухоро элчиси ҳамроҳлигида катта қўшин билан Қандаҳор томон йўлга чиқади.

Бу вақтда А. Грибов ва унинг ҳамроҳларига ҳам Исфahондан жўнаб кетишга рухсат берилган эди, шунинг учун Эрон – Бухоро муносабатларига доир унинг маълумоти шу ерга келиб тамом бўлади.

1649 йил февралда Қандаҳор Эрон қўшинлари томонидан босиб олинади ва Шоҳ Жаҳоннинг Қандаҳорни қайтариб олиш йўлидаги бир неча бор (1649 йил май, 1652, 1653 йил апрель) уринишлари муваффақиятсиз чиқади. 1657-1660 йиллар давомида Шоҳ Жаҳоннинг ўғиллари Дара ва Аврангзеб ўртасидаги ўзаро тахт учун бўлган ички кураш Қандаҳорнинг узок вақт эронликлар қўлида қолиб кетишига сабаб бўлади.

Макка томон йўл олган Надр Муҳаммад Эроннинг Симнон шаҳрига етганда вафот этади (1651). Шу муносабат билан Бухоро ва Балхда (Абдулазизхон ва Субхонқули томонидан) мотам эълон қилинади. Орадан кўп вақт ўтмай ака-укалар ўртасида низо чиқиб, Абдулазизхон Субхонқулидан Балх ҳокимлигини тортиб олиш мақсадида унга қарши

Муҳаммад Султон бошчилигида катта қўшин юборади. Лекин Муҳаммад Султон ва ундан кейин юборилган қўшинлар ҳам Балхни ишғол қилишга муваффақ бўлолмайдилар. Абдулазизхон Субҳонкулини Балх ҳокими деб танишга мажбур бўлади.

Бу мактубнинг қиммати шундан иборатки, шу давргача Абдулазизхон тахтга ўтиргандан то Аврангзеб ўзини подшо деб эълон қилганга қадар (яъни 1645 йилдан 1659 йилларгача) Бухоро билан Ҳиндистон ўртасида ҳеч қандай дипломатик муносабат бўлмаган деб тахмин қилар эдик. Мактубнинг топилиши ва унинг мазмуни бу фикрнинг нотўғри эканлигидан хабар беради. Мактубда Абдулазизхон Ҳиндистон билан бўлган муносабатларнинг узилиб қолишига «фалончи» сабабчи деб кўрсатади ва «фалончи»нинг номи зикр қилинмаса ҳам мактуб мазмунидан унинг кимлиги жуда равшан, чунки «фалончи» мактубда ўз отасига қарши Курашган ва Абдулазизхонни ўз отаси ўрнида ҳурмат қи-лиши лозим бўлган шаҳе сифатида таърифланган, демак, «фалончи» - бу Субҳонкулихон эди¹.

Мактубнинг мазмунига кўра, Субҳонкулихон Абдулазизхон элчиларини Ҳиндистонга йўлатмаган, улар орқали юборилган ҳадяларни эса тортиб ола берган. Мактуб охирида, мамлакатлараро дўстликни мустаҳкамлаш кераклиги уқтириб ўтилади.

Субҳонкулихонга нисбатан ишончеизлик билан қараш давом этган бўлса керак, мактубда элчининг номи ва унинг ким эканлиги кўрсатилмайди.

Фикримизча, мактуб Субҳонкули Балх ҳокими деб тан олингандан бир қанча йил ўтгандан сўнг, тахминан 1653-1655 йилларда ёзилгандир. Бу вақтда Ҳиндистонда ички зиддиятлар кучайган, қариб қолган Шоҳ Жаҳон билан ўғли Аврангзеб ўртасида ҳокимият учун кураш авжига чиққан эди. Шунинг учун Шоҳ Жаҳон Бухорога ўз вақтида жавоб элчилиги юборолмаган бўлса керак.

¹ И. Низомидинов. Ўша асар Б. 57.

1658 йили Мўғуллар империяей тахтига Аврангзеб ўтиради. Шох Жаҳон Аврангзебнинг одамлари назорати остига олинади ва 1666 йилда вафот этади.

Аврангзеб акаси Дарага қарама-қарши ўлароқ, тахт учун курашда мусулмон феодаллари ва ислом руҳонийларига таянади. Дара тарафдорларининг кўпчилиги ҳиндуизм динидаги кишилар эдилар. Артиллерия қисмларининг мусулмонлардан ташкил топганлиги давлатни Аврангзеб кулига ўтишида катта роль ўйнади. Мусулмон ҳарбий феодал чари ёрдами билан давлат тепасига чиқиб олган Аврангзеб мусулмон феодал руҳонийлари манфаатларини кўзлаб, реак-цион ички сиёсатни амалга оширади. Унинг буйруғи билан кўпгина будда ибодатхоналари бузиб ташланади, ҳиндлар қўлидаги ерлар тортиб олиниб, мусулмон феодалларига сирға – тортик қилиб берилади, ҳиндуизм динидаги кишилар камситилиб, жузъя – жон солиғи тўлашга мажбур қилинади, улар давлат, суд ва молия ишларидан четлатилади. Мусулмонлар билан ҳиндуларни бир-бирига яқинлаштиришдаги Акбар ва унинг ворислари томонидан амалга оширилш: келинаётган оқилона сиёсат юзини зулмат қоплайди.

Аврангзеб ўз ташки сиёсатида Мўғуллар империясини кенгайтиришга ҳаракат қилиб, тинимсиз кураш олиб боради; натижада Мўғуллар империяси Ғазнадан Читтаконгача ва Кашмирдан Қарнатиккача бўлган ерларни ишғол қила-ди. Аммо, бундай катта территорияни ишғол этган империя ички томондан мустаҳкам эмас эди, айниқса маратхлар ва Декан рожаликлари Аврангзеб давлатига сўздагина тобе бўлиб, доимий ички курашлар билан империя тинкасини куритардилар.

Аврангзеб замонида Ҳиндистон билан Урта Осиё ўртасидаги муносабатлар бирмунча дўстона характерга эга бўлади. Бу муносабатлар Бухоро хони Абдулазизхоннинг Аврангзебни тахтга ўтирганлигини қутловчи мактуби билан бсогла-нади. Мактубни элчи Хўжа Аҳмад ал-Хусайний Нақшбаздий олиб боради. Нома Аврангзеб шахсиятини узундан-узоқ таърифлаш билан бошланиб, сўнг ҳамжиҳатлик одати дўстлик. учун бебаҳо

гавҳардир, деб уктирилгач, бирдамликни мустаҳкамлаш лозимлиги изҳор этилади. Мактуб охирида Ҳиндистондан ҳам тез-тез элчи ва мактублар келиб туриглига умид қилинади.

Ўша вақтларда Ҳиндистон бўйлаб саёҳат қилиб, врачлик касби туфайли шоҳ саройида хизмат қилган Франсуа Бернье Аврангзебни табриклаш учун келган узбек элчилари ҳақида шундай ҳикоя қилади:

Элчилар Аврангзебга ҳинд одатига мувофиқ, узоқдан уч марта қўлларини бошларига кўтариб, сўнг ерга тегизиб салом берадилар. Сўнг элчилар Аврангзебга жуда яқинлашадилар, шоҳ хатни бевосита элчилар қўлидан олиши мумкин эди, лекин у бундай қилмайди. Элчилар келтиргак номани Аврангзебнинг амири олиб очади ва шоҳга узатади. Аврангзеб хатни диққат билан ўқиб чиққач, элчиларга бахмал нимча, салла, ипак билан гул тикилган шарф сарпо беришни буюради.

Элчилар Аврангзебга қимматбаҳо кўк тошдан ясалган бир неча қутича, узун жунли туя, чиройли отлар, бир неча туя ҳўл мева: нок, олма, узум, қовун; бир печа туя қуритилган мева: бухоро олхўриси, туршак, оқ ва кора майиз олиб келган эдилар...¹

Аврангзеб элчилар билан суҳбатда Самарқанддаги фан, айниқса Улуғбек расадхонасининг аҳволи, ажойиб мевалар ҳосили тўғрисида саволлар беради.

Элчиларнинг юртларига қайтиши олдидан Аврангзеб барча амирларни йиғиб, элчиларнинг ҳар бирига икки сидрадан қимматбаҳо сарпо совға қилиб, улар турган жойга саккиз минг рупия пул элтиб беришни буюради. Сўнг элчилардан Бухоро хонига бир неча туп қимматбаҳо кимҳоблар, юпқа полотно ва олачалар, олтин ҳамда кумуш йўллик ипак матоси, бир неча гилам, қимматбаҳо тошлар билан безатилган иккита ханжардан иборат совғалар бериб юборади.

Элчилар Деҳлида тўрт ой туриб, ватанларига қайтаётганларида баъзилари иссиқдан йўлда ҳалок бўладилар.

¹ И. Низомиддинов. Ўша асар. Б. 58

«Миротул олам»да кўрсатилишича, Бухоро элчилари Аврангзеб салтанатининг тўртинчи йилига келиб икки марта - 4 рабиус-сони ойида (27 ноябрь 1661 йил) ва 24 ра-жаб ойида (14 март 1662 йил) ҳинд шоҳи қабулида бўлганлар.

Умуман, элчиларга Ҳиндистонда тахминан бир лаку йигирма (120) минг рупия нақд пул ва моллар тухфа этилган. Аврангзеб салтанатининг бешинчи йили бошланган куни элчиларга кетишга рухсат этилган, аммо элчилик бошлиғи Хўжа Аҳмад (ал-Хусайний) Лохурда вафот этган.

«Оламгирнома»да элчилик составидаги бошқа шахслар-нинг ҳам номи тилга олинган, масалан, Хушҳолхон, Жавхархон, Мирзабек Миршакар, Латифбек, Мирахур ва бошқалар; буларга ҳам бир неча минг рупия маблағ ва матолар ҳадя этилган.

Аврангзеб салтанатининг олтинчи йили Абдулазизхоннинг мулозими Кучакбек Бухородан ҳинд шоҳи учун от ва ов ҳайвонлари келтиради; бунинг эвазига Кучакбекка фахрий тўн ва икки минг рупия инъом қилинади.

Келтирилган тухфалар ичида ов қушлари ҳинд шоҳига маъкул тушган бўлса керак, Аврангзеб Абдулазизхонга хат ёзиб, яна бир неча ов қушлари ва жониворлар бериб юборишни илтимос қилади. Мактубда бу хил тортиқларни дўстликнинг рамзидир, деб таъриф қилади.

Аврангзеб салтанатининг еттинчи йили (июль 1665 йил) Бухорога Мустафохон Хофи бошчилигида элчи юборади. Элчилар Абдулазизхон номига ёзилган мактуб ва умумий қиймати бир лаку эллик (150) минг рупиялик тухфа келтирадилар.

Мустафохон Хофи элчилиги қандай мақсадлар билан юборилганлиги, унинг Бухородан қайтган-қайтмагани ҳақида аниқ маълумотлар йўқ бўлса ҳам, ушбу ишда эълон қили-наётган Абдулазизхоннинг Аврангзеб номига ёзилган мактуби бу элчилик ҳақида бирмунча тасаввур ҳосил қилишга имкон туғдиради.

Мактубда Аврангзеб шахсияти улуғланиб, унга яхши истаклар тиланилгандан сўнг, ҳар икки томон ўртасидаги дўстона муносабатларнинг

мустаҳкамланишига ишонч билдирилади. Сўнг Каъба йўлида ғов бўлиб турган шиа мазҳабидаги эронликларга қарши Ирок ва Хуросонга юришга қарор қилинганлиги баён қилинади ва айтилиши ҳолда Аврангзеб элчиси Мустафоҳон Хофи орқали шу масала юзасидан муайян бир фикр айтилмаганлигидан таажжубланилади.

Мактубда яқин орада Ҳиндистонга Тоҳирхон ва Обидхон бошчилигида элчилик юборилиши хабар қилинади.

«Миротул олам»да 12 зилҳижжа 1079 (11 май 1669) йили Ҳиндистонга Бухородан Рустамбий бошлиқ элчилик келганлиги ва у Абдулазизхоннинг мактуби билан бирга турли ҳадялар келтирилганлиги хабар қилинади. Рустамбий Аврангзеб саройида яхши қарши олинган ва биринчи қабулда ҳинд шоҳи элчига фахрий халат, безатилган жига ҳамда ханжар, ўттиз минг рупия нақд пул, иккинчи қабулда эса (7 сентябрь 1669 йил) яна халат, қимматбаҳо чиройли қилич, қалқон, унинг ҳамроҳларига эса 16 минг рупия ҳадя қилган.

Фикримизча, Абдулазизхоннинг Аврангзеб номига битилган мактуби Рустамбий элчилиги томонидан олиб келингандир.

Рустамбий элчилигига жавобан 1080 йилнинг зилҳижжа, (1670 йил май) ойида Ҳиндистондан Яккатозхон элчилиги йўлга чиқади. Элчилар Бухоро хонига 100 та подшолик оти, 4 минг рупия турадиган бир фил, қимматбаҳо тошлар билан безатилган жамдар қуроли, қилич, жиға ва бошқа ҳадялар келтирадилар.

«Оламгирнома»да 1081 (1671) йили ҳам Бухородан Муқаммад Шариф номли элчи Ҳиндистонга келганлиги ва уни ҳинд шоҳи қабул қилиб, 25 минг рупия пул, фахрий халат, тилла эгар-жабдуғи билан бир от инъом этганлиги ҳақида маълумот берилади.

Балх ҳокими Субхонқулихон ҳам Аврангзеб давлати билан яқин муносабатда бўлган.

Субхонқулихон акаси Абдулазизхондан илгарироқ Аврангзебни (тахтга ўтирган йилининг учинчи йили) салтанат эгаси бўлиши билан элчи Иброҳимбек орқали табриклаган.

Уз навбатида ҳинд императори ҳам Бухорога элчи Мустафохондан Субхонқулихон номига битилган дўстона мактуб ва бир лак рупия ҳадя бериб юборади.

Бухородан Рустамбий элчилиги Ҳиндистонга келганда Субхонқулихон ҳам акаси Абдулазизхонга тақлид қилиб, ўзининг аъёнларидан Хушбекни мактуб ва «турон нафис молларидан иборат армуғон билан файзмакон остонага тайин қилган», ҳинд шоҳи Балх элчисига фахрий халат, безатилган ханжар, жиға ва 11 минг рупия инъом қилган.

Балх ҳокими Субхонқулихон Ҳиндистон билан иқтисодий ва сиёсий муносабатларда бўлиб, бу муносабатлардан Балхни Бухорога тобе бўлмаган, мустақил ҳо кимлик қилиб кўрсатиш мақсадида фойдаланган. Уз навбатида Аврангзеб давлати ҳам Балх ҳокимлиги билан яқин қўшничилик муносабатида бўлишдан манфаатдор эди. Афғон қабилаларининг мустақиллик учун олиб борган курашлари-ни бостиришда империянинг ғарбий чегаралари хавфсизлигини таъминлаш жуда муҳим аҳамиятга эга эди.

Абдулазизхон ҳукмронлигининг дастлабки йилларида Бухоро – Ҳиндистон муносабатлари кескинлашиб кетади. Бунга асосан ҳинд қўшинларининг Балхни ишғол қилиши сабаб бўлди. Тарихий далилларни кўрсатишича, бу вақтда Абдулазизхон давлати, ҳатто Мўғуллар империясига қарши Эрон билан иттифоқ тузишга ҳам ҳаракат қилган. Лекин Балх ҳинд қўшинларидан озод қилинган, ва айниқса, Балх ҳокими Субхонқулихоннинг ўзбошимчалик билан қилган хатти-ҳаракатларининг кучайиши натижасида Бухоро – Ҳиндистон муносабатларида ўзгариш пайдо бўлади. Абдулазизхоннинг Шоҳ Жаҳон номига ёзган мактубида айтилишича, ҳинд подшоҳи ҳузурига Бухородан бир қанча элчиликлар юборилган, аммо Субхонқулихон уларнинг кўпчилигининг Ҳиндистонга боришига монелик қилган.

Абдулазизхон ҳам мамлакатлар ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатларини кучайтириш ниятида Аврангзеб саройига элчилар юборади. Гарчи Абдулазизхон Рустамбий элчилиги орқали юборган мактубида ҳинд шоҳига Эронга қарши курашишни таклиф қилган бўлса ҳам, лекин бу даврдаги Бухоро хонлигининг Мўғуллар империяси билан яхши муносабатда бўлиши Эронга нисбатан душманлик важдан эмас эди. Чунки Бухоро хонлиги Эрон билан ҳам тинч-тотув яшамоқда эди.

2.2. Субхонқулихон даврида Аштархонийлар давлатининг умумий аҳволи

Кексайиб қолган Абдулазизхон Субхонқулихоннинг тазйиқига бардош беролмай, 1680 йилнинг бошларида тахтдан вез кечиб, Маккага кетишга мажбур бўлади. Субхонқулихон Бухоро тахтини эгаллагач, Балхга ўғли Искандар Баҳодирхонни ҳоким қилиб тайинлайди. Орадан уч йил ўтар-ўтмас шаҳзодага заҳар бериб ўлдирилади. Бу ишда Субхонқулихоннинг иккинчи ўғли Абулмансурхон иштирок этган эди. Бу воқеадан хабардор бўлган Субхонқулихон Балх ҳокимлигини Ибодулла султонга беришга қарор қилади. Аммо ҳокимиятни Абулмансурхон қўлга олади ва кўп ўтмай у ҳам ўлдирилади. Балх Сиддиқ Муҳаммад султон қўлига ўтади.

Шу вақтда Хоразм хони Ануша Бухоро хонлигига ҳужум қилади, Субхонқулихон Балхга одам юбориб, ўғли Сиддиқ Муҳаммадни тезда ёрдамга етиб келишга даъват қилади. Аммо Анушанинг Самарқандни эгаллаганлигини эшитган Силлиқ Муҳаммад йўлга чиққан вақтида яна Балхга қайтиб кетади. Бу воқеадан қаттиқ аччиғланган Субхонқулихон Бадг'хшон ҳокими Маҳмудбий Оталиқни ёрдамга чақириб, хоразмликларни Самарқанддан ҳайдаб чиқаради.

Сўнг Субхонқулихон Маҳмудбий Оталиқ билан бирга Балх томон юради, хийла билан Сиддиқ Муҳаммадни қўлга тушириб, қийнаб ўлдиради.

Субхонқулихон Балхда уч ой туради ва Балхни Муҳаммаджон Оталиқ ихтиёрига топшириб 4 апрель 1685 йили Бухорога қайтади.

Хева блан олиб борилган узоқ вақт давом этган урушлар Мовароуннахрнинг умумий иқтисодий аҳволига жуда қаттиқ тасир кўрсатди ва аштархонийлар давлатида ички зиддиятларни кескинлаштириб юборди.

Хевалиларга қарши олиб борилган урушлардаги муваффақиятсизликлар Бухорода жиддий ҳокимият кризисига сабабчи бўлди. Муккайиб қолгак ва бетоб Абдулазиз мамлакат мудофаасини таъминлай олмас эди. Ўша вақтда Абдулазизга очикдан-очик ҳавф дўқ қилаётган Субхонқулининг тазйиқи остида у тахтдан воз кечди ва Маккага жўнаб, ўша ерда вафот этди. Абдулазиз четлатилгандан кейин, Субхонқудихон хон бўлиб олди (1680-1702 йиллар).

Анушахоннинг иавбатдаги ҳужуми вақтида аҳволи оғирлашган Бухоронинг қисмати Балхда бошланган феодал тартибсизликлар ва ярим мустақил бўлган узбек қабилалари орасидаги ғалаёнлар натижасида яна ҳам мушкуллашди. Субхонқулихоннинг ўғиллари Балхга ҳоким бўлишни талашиб, бир-бирларини ўлдирар ва ҳокимият қўлдан-қўлга ўтиб турар эди бу курашда ўз қабилаларига суяниб иш кўручи мақаллий амирлар актив қатнашар эдилар.

Хевалилар ўз ҳужумларининг бирида Бухоронинг теварак-атрофигача келиб етдилар ва Кармана ҳамда Варданзи атрофларини хароб қи-либ, Самарқандни эгалладилар, Самарқандда шаҳар зодагонлари Анушахоннинг номини хутбага қўшиб ўқишга ва унинг номи блан пул зарб қилишга розилик бердилар, лекин Субхонқулихондан норози бўлган Бухоро амирларининг кўпчилик қисми ўз қабилалари турган жойларга кетдилар, ва Субхонқулихонга қарши ис'ён қўзғатдилар.

Субхонқулихон қотоғон қабиласидан бўлган Бадахшон ҳокими Маҳмудбой оталиғи ёрдамидагина хевалиларни Самарқанддан қувиб чиқара олди. Аммо улар кетгандан кейин, жуда ҳам харобазорга айлантирилиб, вайрон этилган областьларда яшовчи аҳолининг аҳволи улар бор вақтдагидан

яна ҳам баттар бўлди. Анушахоннинг бостириб киришига йўл қўйган ва уни ўзининг хони қилиб кўтарган самарқандлилардан ўч олиб, Субхонқулихон шаҳардаги бутун аҳолини қириб ташлашни буюрди. Бу буйруқ амалга оширилган бўлмаса ҳам, лекин аҳоли бошига ғоят катта, жуда ҳам оғир товон солинди. Самарқанд областига юз қабиласидан чиққан узбек отрядлари юборилди, булар ниҳоятда шафқатсизлик билан товон ундирдилар.

Бу вақтда Субхонқулихоннинг ўғли, Балх ноиби Сиддиқ Муҳаммад тўғрисида хуфий хабарлар тарқалабошлади; уни отасига қарши қўзғолон кўтармоқчи деб айбладилар. Субхонқулихон 1681 йилда Балхга қўшин тортиб борди. Ис'ёнкор ўғил отаси юборган қўшинни шаҳар қал'аси деворлари ва миноралардан милтиқдан ҳамда камондан ўққа тутиб қарши олди, лекин гуноҳини кечириши тўғрисида отаодан ёзма тилхат олгандан кейин шаҳардан чиқиб отасининг хузурига йўл олди; ота-бола кўришишгандан кейин, иккови бирга Балхга кирдилар. Субхонқулихон, Балхга киргач, ўғлини қамаб, занжирбанд қилиб қўйишни, ис'ён кўтаришда унга ёрдам берган яқин одамларини тутиб қийнаб ўлдиришни буюрди. Сиддиқ Муҳаммад ҳам турмада ҳалок бўлди, у отасининг фармони билан ўлдирилган бўлса керак.

Хева хони Ануша Субхонқулихоннинг Балхга кетганидан фойдаланиб, яна Бухорога бостириб кирди ва шаҳарни қаттиқ вайрон қилди. Бухоро амирлари томонидан чекинишга мажбур қилинган Анушахон жуда катта ўлжа олиб, Хевага қайтиб кетди. Шундан сал кейин Анушахонга қарши фитна уюштирилди, бу фитнага Бухоро ҳам қатнашган бўлса ажаб эмас. Анушани унинг яқин одамлари тутиб, 1686 йилда кузини ўйиб, кўр қиладилар ва унинг ўрнига ўғли Эренгни хон қилиб кўтарадила'р Субхонқулихон, Хевадан бирон хавф бўлмаслигига ишонч ҳосил қилиб бўлса керак, энди «Буюк мўғул»нинг таклифи билан Хуросон устига қўшин тортиб бориш мақсадини амалга оширишга қарор қилди. Узбеклар Балои Мурғоб (ҳозирги Кушканинг шимоли-шарқида) қалъасини эгалладилар, лекин бу вақтда Эренг Субхонқули ерларига боотириб кириб, пойтахтга етиб борди ва

уни камал қилди. Бутун кўшинини Хуросонга юборган Субхонқули ёрдам сўраб оталиқ Маҳмудбийга мурожаат қилди, Маҳмудбий кўшин блан келиб, хевалиларни чекинишга мажбур этди Хевага қайтиб келгандан сўнг Эренг ўлдирилди. Субхонқулихонга унинг номи хутбага кўшиб ўқиладигани ва унинг номи блан пул зарб қилинадигани ҳақида хабар юборилади. Хевалиларнинг илтимо-сига мувофиқ Субхонқулихон Хоразмни идора қилиш учун ўз ноибини юборади. Шундай қилиб, Хоразм яна вақтинча Бухоро хонлигига кўшиб олинади.

Хонга қилган хизматлари учун оталиқ Маҳмудбий Балх ва Бадахшон ноиб қилиб тайинланади. Маҳмудбий Балхда бирмунча тиичлик ўрнатиб, Бадахшоннинг анчагича қисмига эгалик қилуви Ёрбекка қарши кураш бошлайди. Бу курашнинг бошланишига Бадахшондаги машҳур лаъл конларини Бухоро хазинаси фойдасига ишлатиш учун Бухоро амалдорларининг юборилиши баҳона бўлади. Ёрбек уларни конларга кўймайди. 1692 йилда Маҳмудбий Бадахшон устига кўшин тортиб келди ва Ёрбекнинг пойтахти Жузғун (Файзиобод) шаҳрини камал қилди, бироқ шаҳарни ололмади ва лаъл конларидан келадиган фойдани икки йилга олдиндан олишга рози бўлиб, Ёрбек блан сулҳ битими тузди ва Балхга қайтиб кетди. Ёрбек тўла ҳуқуқли ҳокимлигича қолаверди, аштархонийлар билан мълум даражада вассал муносабатда бўлса ҳам, лекин бунга ҳамавақт тўла риоя қилмади. У Бадахшонни эллик йил давомида идора қилди. (1706 ёки 1707 йилда ўлган). XIX асрнинг 30 йилларигача Бадахшонда ҳукмроилик қилган Бадахшон амирлари династияси шу Ёрбекдан бошланган.

Балхда Маҳмудбий Бухородан тамомила мустақил мавқини эгаллади. Унинг ниҳоятда қаттиқ қўллик бдан идора қилиши теварак-атрофдаги узбек қабилаларининг бирнеча марта кўзғолон кўтаришига сабабчи бўлди. Исён кўтарилишида бош ташаббусчилар кўпсокли курама қабиласининг амирлари эди. Маҳмудбий ўз обрўсини мустаҳкамлаш орзусида Субхонқулига мурожаат қилиб, ундаи ўзининг ёш набираси Муҳаммад Муқим султонни Балхга ноиб қилиб юборишни илтимос қилишга мажбур бўлди. Аммо аҳоли

томонидаи қўллаб-қувватланаётган Балх зодагонлари Балхга Солихўжани ҳоким қилиб кўтарди, Солихўжа эски дарвишлар оиласидан чиққан киши эди. Қурамалиларнинг Бухородаги вакиллари оталикнинг ажралиб мустақил бўлиб олиш учун интилаётгани тўғрисида зўр бериб Субҳонқулихонни огоҳлантирдилар. Қудратли вассалга қарши курашиш учун бир ўзининг кучи етмаслигини билиб, Субҳонқули унга қарши Бадахшон ҳокими Ёрбекни гижгижлата бошлади. Бадахшоннинг жанговар тоғли отрядлари Қундузда – Маҳмудбийнинг юртида пайдо бўлди. Маҳмудбий ҳам душманга қарши қўшин тортиб чиқди. Маҳмудбий йўқлигидан фойдаланиб, Субҳонқули қозоқ ва қорақалпоқ отрядлари билан қучайтирилган жуда катта қўшин билан Балх деворларига яқинлашиб келди ва шаҳарни қамал қилабошлади, қамал давомида атрофдаги районларни вайрон этиб, талон-тарож қилди. Солихўжа юришга чиқиб кетган Маҳмудбийни чақиртирди, Маҳмудбий Балх атрофидаги районларда яшовчи белужлар ва арабларни ёрдамга чақирди. Субҳонқули сулҳ тузишга мажбур бўлди. Бундан кейин феодаллар ўртасида бошланиб кетган ўзаро низожандаллар, туркманларнинг исёни, Термизда кўнғиротларнинг қўзғолони, Бадахшоннинг душманлик позициясида бўлиши, катта-катта шаҳарлардаги талон-тарожлар, ҳужумлар ва ўлдиришлар бир вақтлар гуллаб турган ва бой Балх вилоятида тинч ҳаётни тўхтатиб қўйди.

Субҳонқулихон ҳукмронлик қилган сўнгги йиллар умумий вайроюшк ва тартибсизлик даври бўлди. Балх территориясида айрим узбек қабилалари ўртасида қаттиқ курашлар борар эди. Қипчоқлар томонидан тор-мор қилинган минг қабиласи ёрдам сўраб Эронга мурожаат қилди. Қизилбошлар минг қабиласининг илгари Маймана билан бирга меросий юрти бўлган Шофриконга бостириб кирдилар. Балх областида тамомила бёбошлик ҳукм сураар эди. Ана шундай тўполонлар вақтида Субҳонқулихон вафот этди (1702 йил), тахтга унинг ўғли Убайдуллахон ўтирди. Бу вазиятдан фойдаланиб, Убайдуллахоннинг жияки Муҳаммад Муқим ўзини Балхнинг мустақил ҳокими деб эълон қилди ва шаҳардаги амирлар ҳамда зодагонларнинг сиқиги

блан, Балхнинг қуролли кучларини ташкиллашни илтимос қилиб, Маҳмудбийга мурожаат этди.

III боб. Аштархонийлар даврида Бухоро ва Ҳиндистон муносабатлари

«Тарихи Муқимхоний» асарида 1096 (1685) йили Бухорога Аврангзеб элчиси Забардастхоннинг келганлиги ҳақида сўз боради. Аммо ҳинд манбалари ва бизнинг ихтиёримиздаги ҳужжатлар Забардастхон элчилигига қадар Субҳонқулихон давлати билан Мўғуллар империяси ўртасида элчилик алмашилиб турилганлигидан дарак беради. Масалан, 21 шаввал 1092 (13 ноябрь 1681) йилда Бухоро элчиси Раҳмонкули ҳинд подшоҳига иккита от, ўн жуфт қундуз пўстин ва туя совға қилган. Аврангзеб эса элчига халат ва беш минг рупия инъом этган.

20 жумодил-аввал 1093 (27 май 1682) йилда Бухородан келган элчи Муҳаммад Шариф ҳинд шоҳининг қабулида I бўлган ва фахрий халат билан шарафланган.

Манбаларнинг кўрсатишича, Субҳонқулихон даврида I Бухородан Ҳиндистонга Мир Абдурахмонхўжа Садр бошлиқ элчилар ҳам келган. Элчи орқали юборилган мактубда катта бир душмanning Самарқандга ҳужуми ва уларнинг тор-мор қилиниши баён қилинган. Мактубнинг мазмунидан унинг қай вақтда ёзилганлиги ва элчиликнинг Ҳиндистонга қачон юборилганлигини аниқлаш қийин эмас. Чунки 1684 йили Хоразм хони Ануша Самарқандга ҳужум қилиб, шаҳарни вақтинча ишғол қилишга муваффақ бўлган эди.

Анушанинг кетма-кет ҳужуми ва Сиддиқ Муҳаммадни отасининг буйруғига бўйсунмаслиги Субҳонқулихонни анча чўчитиб қўяди. У Бухоро хонлигида содир бўлган мушкул вазиятдан Аврангзеб ҳам фойдаланиши мумкин деб ўйлаб, бу хавфнинг олдини олиш мақсадида Ҳиндистонга тезлик билан мактуб жўнатади: мактубда барча ташвишли ишларга хотима берилиб,

Бухоро хонлигида осойишталик барпо қилингани таъкидлаб ўтилади, яъни Бухоро хони ўз давлатининг заиф эмаслигини тушунтирмоқчи бўлади.

Бу мактубда Эрон ва зронликларга қарши ҳеч бир сўз айтилмайди, демак, бу билан Субхонқулихон ўз мавқеини мустаҳкамлаш ҳаракатида бўлган.

Аврангзебнинг фармонида кўра, 1095 йил 25 раббиал ав-вал ойида (12 март 1683 йил) Саъидхон Баҳодирнинг набираем Вафодорхонга «Забардастхон» номи берилиб, сўнг Балх ва Бухорога элчи қилиб юборилади. Забардастхон орқали Балх ҳокимига зийнатланган жамдар кўроли, қилич, жиға, қалқои, камон, от, фил, ўн минг рупия пул ва Субхонқулихон учун баҳоси ўн бир минг рупиялик фил ва нафис моллардан бериб юборилади.

«Тарихи Муқимхоний»да 1096 (1685) пили Ҳиндистондан Бухорога Забардастхон элчилиги келгани ва улар ҳадя қилган совға-саломлар ичида филлар ҳам борлиги айтилиб, сўнг Аврангзебнинг Бухоро хони номига ёзилган мактубининг тўлиқ нусхаси келтирилган.

Мактубда айтилишича, Аврангзеб Субхонқулихонни подшолик тахтига ўтириши билан анча илгари табриклаш ниятида бўлган, аммо Муҳаммад Сиддиқнинг қўзғолонлари ва чегарада содир бўлган нотинчлик бу мақсадни амалга оширишга монелик қилган.

Сўнг Аврангзеб Ҳиндистондаги воқеаларга тўхтаб ўтади. У Ажмир ҳокими Ронанинг жузъя тўлашдан бош тортгани ва унга қарши ўғли Муҳаммад Акбар бошлиқ катта қўшин юборгани, ўғлининг эса отасига бевафолик қилиб, исён кўтаргани ва Мўғуллар империяси қуролли кучларининг Сингха (Мевар ҳокими) га қарши кураш олиб борганликлари ҳақида ҳикоя қилади.

Шунингдек, мактубда Қашғарга яқин жойларда яшовчи қалмоқлар устидан тўла ғалаба қозонилгани ҳамда Декандаги Жанда вилоятининг империяга қўшиб олингани хабар қилинади.

Воқеалар баёнидан маълумки, Декан юришида бирмунча муваффақиятлар қўлга киритилгач, Бухорога Забардастхон бошлиқ элчилик

юборилган. Ҳинд элчилари келгандан сўнг Балх ҳокими Муҳаммадҷон Оталиқ кўзғолони ҳақида хабар келади ва Субҳонқулиҳон бу воқеанинг олдини олиш учун тезда Балх томон отланади. Ҳинд элчиларига ҳам ўз ватанларига қайтишга рухсат берилади. Бу воқеадан фойдаланиб Хоразм хони Ануша Бухоронинг чекка ўлкаларига Кужум қилади. Субҳонқулиҳон бу хабарни эшитиши биланок Балх ҳокимлигини Жовимбий Оталиққа топшириб, ўзи дарҳол Бухорога қайтади ва Анушага зарба беради.

Анушанинг Бухорога қилган ҳужумининг муваффақиятсиз чиқишидан норози бўлган Хоразм аъёнлари, уни кўр қилиб, тахтга ўғли Эрнакни ўтказадилар.

Хоразмдаги ички зиддиятлардан воқиф бўлган Субҳонқулиҳон энди хоразмликлар Бухорога бостириб келишлари мумкин эмас деган ишонч ҳосил қилиб, Хашиқбий Оталиқ бошчилигидаги асосий кучини Хуросонни забт этиш учун сафарбар қилади ва Бухоро қўшинлари Хуросондаги кучли қалъалардан бўлмиш Болои Мурғобни ишғол қиладилар.

«Тарихи Муқимхоний» муаллифининг ёзишича, Аврангзеб ўз элчиси Забардастхон орқали Бухоро хонига Эронга қарши иттифоқ тузишни таклиф қилиб, ҳинд қўшинларининг Қандаҳор томонидан жанг қилишга тайёр эканликларини айтган. Кейинчалик, Субҳонқулиҳон гўё ҳар икки мамлакат ўртасида тузилган битимга асосан Хуросонга юриш қилган.

Венгр сайёҳи А. Вамбери ҳам шу ҳақда фикр юритиб, Аврангзебнинг Бухоро хонини Эронга қарши курашга ундаганини таъкидлаб ўтади. Вамберининг кўрсатишича, афғон қабилалари Аврангзеб давлатига қарши курашда махфий. суратда эронликлар томонидан қўллаб-қувватланганлар. Узи бевосита Эронга қарши жанг қилишни истамаган Аврангзеб Бухоро хонлигини Эронга қарши қўйиш йўли¹ билан эронликлардан ўч олиш режасини тузган.

Бу масала юзасидан икки хил фикр юритиш мумкин. Биринчидан, Аврангзеб, ҳақиқатда, Бухоро хонини Эронга қарши ҳужумга даъват этган ва

¹ Вамбери Х. История Бухары, СПб., 1873 с. 99

Ўзи ҳам бу ишда ҳамкор-лик қилишини билдирган. Афғон қабилаларини бўйсундириш юзасидан узок вақт (1667-1675 йиллар) кураш олиб борган ва Декан масаласи билан банд бўлган Аврангзеб ғарбий чегараларининг хавфеизлигини таъминлаш юзасидан Бухоро хони билан яқинлашган ва ўзининг Бухорога нисбатан дўстлигининг исботи сифатида Эронга қарши бир иттифокда ҳаракат қилишга ҳам рози бўлган.

Иккинчидан, Субхонқулихон ва унинг сарой аҳллари Ҳиндистон элчлигидан ўзларининг Эронга қарши қаратилган сиёсатларини амалга ошириш йўлида фойдаланиш ниятида бўлган бўлишлари ҳам мумкин.

1100 (1688-1689) йили Ҳиндистонга Бухоро элчиси Назарбий келади ва у Субхонқулихоннинг ҳинд волийсига ёзган мактубини келтиради.

Бухоро хони ўз мактубида Балхда рўй берган тартибсиз-ликлар, Сиддиқ Муҳаммаднинг отаси (Субхонқулихон)га қарши чиқиши ва шу муносабат билан Субхонқулихоннинг Балхга юриши, шу вақтда Анушанинг Бухорога ҳужум қилиши ва хоразмликларга қарши олиб борилган кураш, қалмоқ қабиласининг бўйсундирилиши ҳамда Субхонқулихонга тобелик билдириб Қашғардан ҳам элчилар келганлиги бирма-бир баён қилиб ўтилади ва шулардан кейин «...шу вақтда у адолат самарасининг мунаввар кўнгилларига ёмон асарлик шиаларга қарши зўр жиҳод ва ғазот дағдағаси тушибди. Биз ҳам бирлик ва ҳамжиҳатлик юзасидан тамо-ман хайрлик бўлмиш бу ишга азм қиламиз.

Аммо, то ҳанузгача у шавкат паноҳга қатор кофирлар туфайли хотиржамлик муяссар бўлмаган экан, биз мазкур ният юзасидан пешқадамлик қилиб, гуруҳ-гуруҳ музаффар асарлик лашкарларимизни бебош қизилбошлар устига юбордикки, мухлис вафодор элчингиз (Забардастхон – И. Н.) бу воқеаларнинг суратини кўрди (ва) ундан сўнг рухсат олиб қайтиб кетди» деб ёзилади. Сўнгра, мактубда Болои Мурғоб (ҳозирги Кушканинг шимоли шарқида), унинг 20 та қалъаси билан бирга забт этилгани хабар қилинади.

Демак, Назарбий элчилиги Болои Мурғобнинг босиб олиниси биланок (1688 йил) Ҳиндистонга жўнатилган.

Мактуб мазмунидан шу нарса англашиладики, гарчи Бухоро хони Эронга қарши курашда ҳинд подшоҳининг фаол-сизлигини таъкидлаб ўтса ҳам, лекин бу соҳада аниқ бир фикр айтмайди, яъни Эронга қарши курашда Ҳиндистон ҳам иштирок қилиши лозимлиги қайд қилинмайди.

Субхонқулихон ўзининг бошқа бир мактубида ҳинд шоҳини Эронга қарши урушга очикдан-очик даъват қилади. Иккинчи мактубда ислом йўлида «кофир» эронликларга қарши ҳужум қилиб, 1100 илон йилининг рабиал аввал ойида (1688-1689) Болои Мурғоб вилояти забт этилгани, бу воқеадан Ирок ва Хуросон аҳолисининг ташвишлангани ҳикоя қилингандан сўнг, ўртадаги дўстлик пеш қилиниб, Аврангзебга қарата: «(Жаноблари)... таассуб енгини астойдил шимаришда ҳамда тақвода ҳам саъи-ҳаракат қилишлари лозимдир» деб уқтирилади. Мактуб охирида «ушбу воқеалар хабарини етказиш ва қон-қариндошлик лойиҳаси (жанобнинг) муқаддас хотиралари хурсандчилигига сабаб бўлур деб ихлосманд ва эътиқодатвор бандамиз, мазкур ғазоватда иштирок қилган (ва) бўлган воқеалар тафсилотини муфассал биладиган Шоҳбекбий элчилик расми билан у вилоятга юборилди», деб элчининг қайтиб келишига тез рухсат берилиши галтимос қилинади.

Фикримизча, Шоҳбекбий элчилиги Назарбий бошлиқ элчиликдан анча кейин, тахминан 1700-1701 йилларда юборилган бўлиши керак. Бухоронинг асосий кучлари Хуросон томон сафарбар қилинганда Эрнакхон тўсатдан Бухорога бостириб киради. Субхонқулихон яна Бадахшондан Маҳмудбийни ёрдамга чақиришга мажбур бўлади. Демак, Бухоронинг ички ишлари Эрон масаласини тўхтатиб туришга мажбур этган ва бу Назарбий элчилиги орқали Ҳиндистонга бериб юборилган мактубда ўз аксини топган.

Эрнакхоннинг Бухорога қилган муваффақиятсиз юриши унинг тақдирини ҳам ҳал қилган эди. Кўп ўтмай, Эрнакхон заҳарлаб ўлдирилади ва Хоразм Бухорога бўйсундирилади. Субхонқулихон Хоразмга ўзининг мулозимларидан Ниёз эшик оғосини хон қилиб тайинлайди. Хоразм

тарихчиси Муниснинг ёзишича, Ниёз хонлик қилган даврда (1688-1702) Хоразм билан Бухоро ўртасида тўқнашувлар бўлмаган.

Хоразм масаласини гўё ҳал қилган Субхонқулихон энди Эронга қарашли ерларни босиб олишга, у ерлардаги аҳолини талон-торож қилишга интилан ва бу ниятини амалга оширишда Аврангзебни ҳам иштирок қилишга даъват этган. Аммо бу вақтга келиб Аврангзебнинг улкан империяси инқирозга юз тутган эди. Бомбайдан то Мадорасгача - бутун Ҳиндистон ярим ороли бўйлаб мўғуллар зулмига қарши халқ қўзғолонлари авж олмоқда эди. Айниқса, озодлик кураши маратхлар орасида кенг тарқалади ва кучаяди. Шунинг учун, ички ишлар билан банд бўлган Аврангзеб Бухорога элчи юбора олмаган¹.

Демак, Субхонқулихон даврида Бухоро хонлиги билан Мўғуллар империяси ўртасида гўё «диний бирлик» асосида ўзаро яқинлик ва ҳамжиҳатлик пайдо бўлган. Лекин шунга қарамай Субхонқулихон ва Аврангзебнинг ўзаро муносабатларида феодал хоқонларига хос бир-бирини менсимаслик, ўзини улуғ хоқон қилиб кўрсатиш анъаналари мавжуд эди. Бу Забардастхон элчилиги келтирган мактуб мазмуни билан Субхонқулихоннинг Аврангзебга юборган жавоб мактубида яққол кўзга ташланади. Аврангзеб мактубида Қашғарнинг Мўғуллар империясига тобелиги айтилган бўлса, Субхонқулихон номасида эса Қашғар Бухорога тобе деб уқтирилади. Бу тўғрида яна шундай далил келтириш мумкин: Забардастхон элчилиги билан биргаликда Бухорога Хўжа Абул-маоний Балхий номли шахе келади ва у ўзини воқеанавис вазифасида эканлиги ва ҳинд подшоҳи у орқали Соҳибқирон (Амир Темур) мозори атрофида жойлашган хўжаликлар (шайхлар – И. Н.) учун ўн минг рупия бериб юборганини Бухоро хонига айтиб, Самарқандга бориш учун рухсат беришни илтимос қилади. Бу Субхонқулихонга таъсир қилган бўлса керак, у ҳинд подшоҳининг бу ҳаракатини Бухоронинг ички ишига аралаштириш деб ҳисоблаб норозилик билдирган ва Хўжа Абулмаонийнинг Самарқандга бориши учун

¹ И. Низомиддинов Ўша асар Б. 67

узок вақт рухсат бермайди. Ниҳоят, ҳинд элчисининг қатъий талаби натижасида Хўжа Абулмаоний рухсат олиб, Самарқандга боради ва ўн минг рупияни шаҳар қозиюл-қуззотига бер-моқчи бўлганда, у пулни олмайди. Уйлаймизки, бу ишда Самарқанд қозиси Бухоро хонининг амрига мувофиқ иш тутган. Шундан сўнг, Хўжа Абулмаоний ҳинд рупияларини Мадраса тслиблари ўртасида тарқатиб, сўнг Бухорога каштан.

Субхонқулихон вафотидан сўнг Убайдуллахон (1702-1711) ва Абулфайзхон (1711-1747) даврида Бухоро хонлиги-да иқтисодий ва сиёсий тушкунлик янада кучаяди. Айни бир вақтда халқ қўзғолонларининг тобора ўсиши ва ҳинд рожа-ликлари, айниқса, маратхларнинг мустақиллик учун олиб борган тинимсиз курашлари натижасида Аврангзеб давлати ҳам заифлашиб қолган эди. Аврангзебнинг ворислари – Баҳодиршоҳ (1707-1712), Фаррух Сияр (1713-1719) ва Муҳаммадшоҳлар (1719-1748) тадбирсиз бўлиб, ичндан чириб бораётган Бобурийлар империясини сақлаб қолишда ожизлик қилар эдилар.

Шунга қарамай, бу вақтларда ҳам ҳар икки мамлакат ўртасида иқтисодий ва сиёсий алоқалар давом этди. Масалан, рақамли қўлёзмадаги ҳинд шоҳи номига ёз“илган мактуб-иарнинг бири Абулфайзхон номидан ёзилганлиги текшириш натижасида аниқланди.

Бу нома «Ҳазрат халофатпаноҳнинг Ҳинд(истон) ҳокимиятига табрик юзасидан амирлик паноҳи Султонбий Қушбеги элчилиги орқали ёзиб юборган мактуби» деб аталади. Матнда элчилик бошлиғи Султонбий додхоҳ Рустамбий оталиқ ўғли деб кўрсатилган.

Абдурахмон Толенинг «Тарихи Абулфайзхон» асарида Рустам ўғли Султонбий 1716 йил охирларида қушбеги унвонига эга бўлгани ва кенегес қабила бошлиқлари томонидан Абулфайзхонга қарши уюштирилган курашда иштирок қилиб, унинг 1718 йил 25 майда ўлдирилгани баён қилинади¹.

¹ И. Низомиддинов Ўша асар Б. 69

Элчиликнинг қачон ва қайси хон томонидан юборилганини мактуб мазмунидан ҳам аниқлаш мумкин. Мактубда Бухоро хонининг салтанат эгаси бўлган вақтида қандайдир ўзбошимчаларнинг қилган ихтилофлари ва ҳозирда уларнинг бўйсундирилгани ҳақида баён қилинади.

Убайдуллахон ўлдирилиб, Абулфайзхон тахтга ўтирган биринчи ойларда давлатни асосан Жоушан қалмоқ бошқарган за у куп давлат аъёнлари ва ҳатто хоннинг ҳам ҳуқуқини чеклашга уринган. Шундан сўнг Абулфайзхоннинг махфий буйруғи билан Маъсумбий Оталиқ ва унинг кишилари Жоушанни ўлдирганлар. Демак, мактубда баён қилинган ўзбошимчалар Жоушан ва унинг тарафдорларидир.

Хулоса

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, аҳамияти нуқтаи назаридан бошқалардан қолишмайдиган кўпчилик манбалар берган маълумотларга кўра шайбонийлар қўлидан ҳокимиятнинг аштархонийларга ўтиш санаси 1598 йил бўлмасдан, 1601 йилдир.

Аштархонийлар Шайбонийлардан сўнг Мовароуннахрни идора қилган сулола. Жўчихон наслидан бўлиб, XIV асрнинг 80-йилларидан бошлаб Астрахан (Хожи тархон) ва унинг атрофидаги ерлар ва халқлар устидан ҳукмронлик қилган. 1556 йил Астраханни Русия босиб олгандан сўнг аштархонийлардан Ёрмуҳаммадхон болалари ва қариндошлари билан Искандархон ҳукмронлиги йилларида Бухорога келди. Тарихий маълумотларга қараганда, Искандархон Ёрмуҳаммада ва унинг ҳамроҳларини иззит-хурмат билан кутиб олиб, қизи Зухрахонимни унинг ўғли Жонибек султонга турмушга берган. Кейинчалик 1601 йилда Бухоро хонлигида ҳокимият янги сулола — жонийлар (Жоний Муҳаммадхон номидан) ёки аштархонийлар (келиб чиқиш ўрни бўйича) деган ном олган Тўқай Темурийлар сулоласи қўлига ўтди, Бухоро тахтига ўтирган унинг биринчи хони Жони Муҳаммадхон бўлган ва Цамбаурнинг фикрига кўра у

1601 йилда хукмронлик тахтига келганда унинг номидан танга зарб қилинган.

Бироқ Аштархонийлар даври Ўрта Осиёда доимий равишда ўзаро урушлар алангаси ўчоқларида бири бўлган ҳудудлардан бири бўлди. Бу сулоланинг энг йирик вакилларида бўлмиш Боқи Муҳаммадхон, Имомқулихон, Субҳонқулихон ўзларининг фаолиятлари давомида марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш, ўзаро урушларни бартараф этиш билан хонлик тахтида бўлдилар. Масалан, Имомқулихон қабила бошлиқларининг хукмронлигини бир мунча заифлаштиришга эришди. У бўйсунмаган бекларга қарши курашиш ва Эрон қўшинларига зарба бериш учун бир неча бор қозоқ султонлари билан иттифоқ тузди. Аммо кўп ўтмай қозоқ султонларининг отрядлари Бухоро хонлигининг чекка туманларига ҳужум қилдилар ва Имомқулихон шимолдан бўладиган ҳужумни тўхтатиш учун бир неча бор юришлар қилишга мажбур бўлди. Бу юришлар гоҳ муваффақиятли, гоҳ муваффақиятсиз чиқиб турди, лекин умуман у душманга зарба беришга эришди.

Имомқулихон мамлакат ичидаги феодалларнинг душманлик ҳаракатларини тийиб туришга эришган бўлса-да, умуман қабилаларнинг амирлари марказий ҳокимияни унча тан олмасдилар.

Аштархонийларга мансуб Имомқулихон ўттиз йилдан кўпроқ хукмдорлик даврида вақтинча бўлсада, ўзаро урушларни, тўхтатишга ва улус амирларининг мустақилликка эришиш йўлидаги интилишларини сусайтиришга муваффақ бўлган эди.

У хукмронлик қилган даврда суғориш каналларини кенгайтириш ва таъмирлаш юзасидан анча ишлар қилинди, бу эса Бухоро хонлигининг айрим ерларида қишлоқ хўжалигининг жонланишига ёрдам берди.

Лекин Аштархонийларнинг хукмронлиги йилларида мамлакатда феодал тарқоқлик, тож-тахт учун кураш бениҳоят кучайди. Дашти қипчоқ кўчманчилари, Хоразм хонлари (Абулғозихон, Анушахон) Мовароуннаҳрга тез-тез ҳужум қилиб, кўпгина қишлоқларни ва ҳатто Бухоро ва Самарқанд

атрофларини ҳам талон-тарож қилдилар. Эрон ва Ҳиндистон ҳукмдорлари эса Мовароуннаҳрнинг ички ишларига аралашиб турдилар. Ўзаро бошбошдоқлик Убайдуллахон II замонида шу даражага бориб етдики, катагон қабиласининг бошлиқларида бири Маҳмудбий оталиқ 1706 йили Балх ҳокимиятини бутунлай қўлга киритиб олди. Самарқанд ва Ҳисорда юз қабиласи, Шаҳрисабз билан Насафда кенас ва манғит қабилалари марказий ҳукуматга қарши исён кўтардилар. Самарқандда эса найман ва сарой қабилалари ўртасида кўпдан бери давом этиб келатган зиддиятлар очик тўқнашувга олиб келди.

Шунга қарамай аштархонийлар ҳукмронлиги даврида ижтимоий, маданий ҳаётда бир оз бўлсада ривожланиш бўлди. Ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилиб, ўзаро элчиликлар амалга оширилди. Аштархонийлар ўз даврида Ҳиндистон ва Россия каби йирик давлатлар билан бир томонлама бўлсада алоқалар ўрнатди. Аштархонийлар даврида Бухоро – Ҳиндистон муносабатлари умуман дўстона тарзда бўлса ҳам, бу мамлакатлар феодал давлатларга хос зиддиятлардан холи эмас эди. Шоҳ Жаҳон давлатининг кучсизланган йиллари, Надр Муҳаммадхоннинг Кобулга қилган ҳужуми ва Шоҳ Жаҳоннинг таҳдиди мазкур фикримизнинг далили бўла олади.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар:

1. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият. 2008.
2. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тарихчи олим ва журналистлар билан суҳбат // Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан кураимиз. Ж. 7. – Т.: 1999.
3. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Т.: Ўқитувчи, 1994.
4. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи: (Энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар) // Масъул муҳаррир: Б.Аҳмедов. – Т.: Шарқ, 2001.
5. Ўзбекистон ССР тарихи – Т: Фан. 1956.
6. Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланом (Шарафномаи шоҳий) / Форс тилидан Содиқ Мирзаев таржимаси, илмий муҳаррир, нашрга тайёрловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи Б.Аҳмедов. 1-китоб. – Т.: Шарқ. 1999;
7. Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланом (Шарафномаи шоҳий) / Форс тилидан Содиқ Мирзаев таржимаси, илмий муҳаррир, нашрга тайёрловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи Б.Аҳмедов. 2-китоб. – Т.: Шарқ. 2000;
8. Ҳасанхожа Нисорий. Музакири аҳбоб / Таржимон, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Исмоил Бекжон. – Т.: Абдулла Қодирий, 1993.
9. Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома / Шашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи Э.Шодиев – Т.: Ғафур Ғулом. 1989.
10. Вамбери Х. Бухоро ёҳуд Мовароуннаҳр тарихи. Китобдан парчалар. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1990.
11. И. Низомиддинов. XVI-XVIII асрлада Ўрта Осиё – Ҳиндистон муносабатлари. – Т.: Фан. 1966.
12. Мукминова Р.Г. К Истории аграрных отношений в Узбекистане XVI в. (по материалам «Вакфнаме») – Т.: Фан, 1966.
13. Умников И. И. «Абдулла-наме» Хафиза Таниша и ее исследователи. «Записки коллегии востоковедов», V жилд, Ленинград, 1930.

14. Муҳаммад Солиҳ Шайбонийнома. – Т.: Ғофур Ғулом. 1989.
15. Муҳаммадёр ибн Араб Қатағон. Мусаххир ал-билод / Форс тилидан таржима, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари Исмоил Бекжонов, Дилором Сангирова. – Т.: Янги аср авлоди. 2009.
16. Р.Шамсутдинов, Ш.Каримов, Ў.Убайдуллаев. Ватан тарихи (XVI-XIX аср бошлари). К.2.: - Т.: Шарқ, 2010.
17. Ўзбекистон халқлари тарихи. II жилд. – Т.: Фан, 1993.

